БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 37 (3836)
14 ФЕВРАЛЬ 1979 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Шаҳар—қишлоққа

МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОШАДИ

Бутуниттифоқ «Союзмаштехкультур» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Ўрта Осиёдаги боғлар ва узумзорлар ҳамда полизчилик учун машиналар бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросида токларни кўмиш ва очишда қатор ораларига ишлов беришда ишлатиладиган «МВП—1» маркали машинанинг модернизация қилинган намунасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилганди.

БУГУН

конструкторлик бюроси коллективи йил бошидан бери тайёрлаган «МВП —1» машинаси 50 тага етди. Корхонада йил охиригача бу машинадан 900 та тайёрланади.

«МВП—1» маркали машина токларни ярим очади, тўла очса зангларни шикастлаши мумкин. Ишнинг «чаласи»ни ғилдиракли тракторларга осиб ишлатиладиган ОВП — 0,45 машинаси бажаради. Яқинда корхонада бу машинани ҳам ялпи ишлаб чиқаришга киришилди.

Ўтган йил охиридан полиз экинларини экиш ва парваришлашда ишлатиладиган машиналар комплектини тайёрлашга киришилгани ҳам муҳим янгиликлардандир. Булар уруғ қадайдиган «СБУ — 2,4А» маркали сеялка, «НБИ— 5,4» маркали ягана қиладиган «ОКН — 3,6» маркали қовун-тарвузга ариқ оладиган машиналардир.

«СБУ — 2,4 А» маркали сеялка «Ўзбексельмаш» заводида ишлаб чиқарилади. Шу йил охиригача корхонада бу сеялкадан 300 та тайёрланади.

Конструкторлик бюроси коллективи келаси беш йилликда маҳсулот ҳажмини беш баравар ошириб, йилига беш миллион сўмликка етказади. Шу мақсадда ҳозир заводнинг эски корпуси ёнида қуввати ҳозиргидан икки ярим баравар юқори бўлган янги корпус қурилиши бошлаб юборилди.

1979 йил 4 МАРТ ЯКШАНБА — СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 568-Чимбой сайлов округида сайловчиларнинг шу округдан депутатликка номзод — Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-лейтенант Юрий Павлович Максимов билан учрашуви бўлиб ўтди.

СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Тошкент — Киров сайлов округида В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг электриги Тамара Дмитриевна Маклеева ўз сайловчилари билан учрашди.

СССР Олий Советн Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод Тошкентдаги 115-мактабнинг ўқитувчиси Мавжуда Саидовна Саматова ўз сайловчилари — 602-Тошкент — Октябрь сайлов округи меҳнаткашлари ва вакиллари билан учрашди.

•

Ёш сайловчилар кечаси

Республика пойтахтининг Акмал Икромов районидаги 189-мактабда жойлашган агитпунктга якшанба куни ёш сайловчилар тўпланишди.

Мактаб агитбригадаси сайловга бағишлаб суҳбат ўтказди. Бу суҳбатда капиталистик мамлакатлардаги ишчи ёшларнинг ҳуқуқсизлиги тўғрисида гапириб берилди, совет сайлов системасини таърифлаб ўтилди. Кеча охирида 176-ҳунар-техника билим юртининг эстрада ансамбли концерт қўйиб берди.

(ЎзТАГ).

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

• САЙЛОВОЛДИ ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЗАФАРЛАРИ

• БУНЁДКОРЛАР ТУҲФАСИ

• «ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИ

• Вақтдан ўзганлар

Беш йиллик марра эгалланди

БУГУН

Тошкент товар станцияси 1-вагон депосининг В. Половникин бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадаси коллективи ўнинчи беш йиллик плани бажарилганлиги ҳақидаги рапортга имзо чекди. Бригаданинг барча ишчилари ўз касбининг моҳир усталари ҳисобланишади.

Улар тайёрлаётган бир қанча буюмларга шахсий тамға қўйиш ҳуқуқи берилган.

Коллектив ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги нишонланадиган кунгача ўн биринчи беш йилликнинг икки йили планини адо этишга аҳд қилди.

Шунингдек, Тошкент тепловоз депосининг «Ҳурмат белгиси» ва III даражали «Меҳнат шуҳрати» орденлари кавалери, фахрий темирйўлчи Ю. Ненашев бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ҳам ўн биринчи беш йиллик календарини очишди.

Меҳнат коллективлари СССР Олий Советига сайловлар шарафига социалистик мусобақани янада авж олдиришяпти.

Мусобақа ғолиби

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети 1978 йилда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқди.

Беш йилликнинг учинчи йилида Иттифоқ пахтакорларини кўплаб «зангори кема»лар билан таъминлаган «Ташсельмаш» заводи коллективи мусобақа ғолиби деб топилди. Ташсельмашчилар беш йилликнинг тўртинчи йилини ҳам яхши суръат билан бошлашди.

БУГУН

завод меҳнатчиларининг йил бошидан буён ишлаб чиқарган «зангори кема»лари 825 тадан ошиб кетди. Шунингдек, 1 миллион 78 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрланди.

Айни кунларда корхона коллективи сайловолди зарбдор вахтасида туриб, социалистик мусобақани янада авж олдирмоқда. Улар февраль ойида дала меҳнаткашларига 750 та пахта териш комбайни етказиб бериш учун курашишяпти.

Меҳнат беллашувида 5-цехнинг йиғувчи-слесари Ҳасан Шокиров, 2-цехнинг токари Эгамқул Маматқулов, 15-цехнинг силлиқловчиси Зинаида Зотова, 10-цехнинг пайвандчиси Ҳасан Абдуғафоров, 2-цехнинг йиғувчи-слесари Нажим Қодиров, 10-цехнинг штамповкачиси Гулсара Гариповалар пешқадамлик қилишмоқда.

• Меҳнатда пешқадамлар

ҲУРМАТГА САЗОВОР

Тошкент лак-бўёқ заводининг слесари Н. Каримжонов ҳамкасбларининг ҳурматига сазовор бўлган пешқадам ишчи. У ўз ишини тез ва соз бажаради, барча маҳсулотни «аъло» сифат билан топширади.

БУГУН

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ ЗАРБДОРИ Н. КОМИЛЖОНОВ 1981 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ КВАРТАЛИ ҲИСОБИГА МЕҲНАТ ҚИЛА БОШЛАГАНЛИГИ ҲАҚИДА РАПОРТ БЕРДИ. Илғор ишчининг ютуғи корхона меҳнат аҳлини янада унумли ва самарали меҳнат қилишга руҳлантириб юборди. Шу кунларда заводнинг тажрибали токарлари В. Бережнов ва А. Гавриловлар ҳам 1981 йилнинг март ойи ҳисобига маҳсулот топширишяпти.

• Тежамкорлик—яхши хислат

Шахсий мажбурият асосида

Тошкент тепловоз депосида ҳар йили декабрь ойида тежалган ёқилғи ҳисобига поездларни бошқариш анъанаси давом этиб келяпти. Ўтган йили декабрь ойида кўплаб машинистлар тежалган ёқилғи ҳисобига тепловозларни бошқаришди.

Бу йил ҳам депо машинистларнинг режалари улкан. Уларнинг ҳар бири тежамкорлик бўйича шахсий мажбурият олиб ишлашмоқда. Жумладан, В. Уланов, В. Маршинин, А. Матвеев каби машинистлар тежамкорлик бўйича қабул қилган шахсий мажбуриятларини муддатидан илгари адо этишиб, янги мажбуриятлар қабул қилишди.

Айниқса, машинист Ҳабибулла Исамуҳамедов тежамкорлик ҳаракатида бошқаларга ўрнак бўлмоқда. У ўтган зарбдор меҳнат йилида 8 минг килограмм ёқилғини тежаш бўйича мажбуриятини ортиғи билан адо этганди. Поездларни моҳирона бошқараётган ўз касбининг устаси Ҳабибулла Исамуҳамедов бу йил ҳам 9 минг килограмм ёқилғини тежаш учун курашмоқда. Ҳозирда эришаётган ютуқлари унинг мажбуриятини ҳам ортиғи билан адо этишидан далолат бериб турибди.

Ушбу фотолавҳаларда Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тикувчи-мотористкалари Мунаввар Саломова (чапда) ва Вера Васильевна Кильячковаларни (ўнгда) кўриб турибсиз. Ҳар икки моҳир чевар яқин йигирма йилдан буён ана шу даргоҳда баракали меҳнат қилиб келмоқда. Бир-бири билан мусобақадош бўлган икки дугона смена топшириқларини 30 процентга ошириб адо этмоқда. Улар ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари адо этиб, ҳозир 1981 йилнинг январь ойи ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Ҳ. Суннатуллаев фотолари.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Москвадан ташқарида ҳордиқ чиқараётган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Франция ташқи ишлар министри Ж. Франсуа-Понсе билан 13 февралда суҳбатлашди.

Суҳбат дўстона руҳда ўтди. Бу суҳбат Л. И. Брежнев билан Франция президенти В. Жискар д'Эстэн ўртасида Совет Иттифоқида бўлажак учрашув асосида Совет— Франция муносабатларининг муҳим масалаларига бағишланди.

● СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигиннинг Эрон муваққат ҳукумати Бош министри лавозимига тайинланганлиги муносабати билан Меҳди Бозоргонга йўллаган табриги эълон қилинган.

● 13 февралда мамлакатнинг энг яхши чорвадорлари Москва областидаги Звездний шаҳарчасига келдилар. Бу ерда социалистик мусобақа ғолибларига тантанали вазиятда Ю. А. Гагарин номидаги вимпеллар топширилди.

● 1979 йил 12 февралда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос— 1076» учирилди.

Йўлдош жаҳон океани тўғрисида оператив маълумотлар олиб туриш методларини пишиқтиришга мўлжалланган.

Йўлдошда ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Олинаётган маълумотлар ишлаб чиқиш ва фойдаланиш учун СССР Фанлар академиясининг институтларига юборилмоқда.

ПЕШҚАДАМ БРИГАДА

Шаҳримиз қурувчилари СССР Олий Советига сайловлар шарафига социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. Сайловолди меҳнат рақобати пешқадамлари сафида «Главташкентстрой»нинг 153-трестига қарашли 3-қурилиш бошқармасининг «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери К. Плешков етакчилигидаги комплекс бригадаси ҳам бор.

БУГУН

БРИГАДА АЗАМАТЛАРИ ХУРШИД ВА ТИМИРЯЗЕВ КЎЧАЛАРИ МУЮЛИШИДА ҚАД КЎТАРГАН ТЎРТ ҚАВАТЛИ 72 КВАРТИРАЛИ УЙДА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИНИ ПОЁНИГА ЕТКАЗИШДИ.

Қурувчилар ва пардозловчилар социалистик мусобақани янада авж олдириб, пардозлаш ишларини СССР Олий Советига сайловлар кунигача тугаллашга аҳд қилдилар.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 52-саноат сайлов округи округ сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Давлат план комитетининг раиси Қудратулла Аҳмедович Аҳмедовни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 52-саноат сайлов округи округ сайлов комиссияси.

• Уй муборак!

МАССИВДА КЎРКАМ БИНОЛАР

2-Қорақамиш массивида кейинги икки йил ичида ўнга яқин тўққиз қаватли кўркам бино фойдаланишга топширилди. 2-уйсозлик комбинатининг 27-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари массивдаги кўркам биноларни белгиланган муддатда фойдаланишга топширишда самарали меҳнат қилмоқдалар. Фақат ўтган йилнинг охирида массивда бир йўла 120 хонадон уй тўйларини ўтказишди. Куни кеча ана шу бошқарма қурувчилари массивда яна битта тўққиз қаватли бино қуриб битказишди.

БУГУН

ана шу кўркам бинога биринчи хонадонлар кўчиб кира бошлашди. Ҳадемай ана шу биноларда ҳам 90 хонадон уй тўйларини ўтказишади.

«Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 3-босмахона коллективи юксак сифат ва самарадорликка эришиб келмоқда. Бунда корхона машъалларининг ҳиссаси катта. Жумладан, моҳир печатниклардан Ўткир Юсупов ва Урозали Бўксинбоев ишлаб чиқариш топшириқларини 30— 50 процентга ошириб адо этишиб, бошқаларга намуна бўлишяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

• Тошкент—«Олимпиада-80» учун

«АЪЛО» СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида кейинги йилларда яратилган кийимларнинг энг яхши моделлари «Олимпиада — 80» рамзи билан ишлаб чиқариляпти. Эркаклар ва болалар кўйлаклари, болалар шими ва сарафани, эркаклар жемпери шулар жумласидандир.

Бирлашма коллективи шу йил бошидан бери олимпиада рамзи қўйилган 40 минг сўмликдан ортиқ маҳсулотни савдо тармоқларига етказиб берди. Ҳозир бирлашма моделерлари спорт тематикаси бўйича яна бир неча хил буюм нусхасини ишлаб чиқдилар.

Коллектив шу йил охиригача 400 минг сўмликдан ортиқ кийим-кечакни олимпиада рамзи билан ишлаб чиқаради.

Ҳамшаҳарлар, сизлар учун

Жиҳозлашга киришилди

БУГУН

Тошкент алоқа электротехника институти студентлари учун қурилган янги ошхонани кулинария ускуналари билан жиҳозлашга киришилди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 220 кишига хизмат кўрсатилади.

Объектни «Главташкентстрой»нинг 6-қурилиш трестига қарашли 70-қурилиш бошқармасининг С. Варахтин бошчилигидаги комплекс бригадаси қурди. Ҳозир бригада ишчилари Ц—17 кварталида қад кўтараётган янги мактаб биносида бунёдкорлик ишларини авж олдиришяпти.

• Шаҳрим—фахрим

Метро станцияси чирой очмоқда

«Гордорстройремонт» трести меҳнаткашлари қишнинг ҳар бир очиқ кунидан унумли фойдаланишмоқда. 4-ремонт қурилиш бошқармасига қарашли С. Умаров ва Д. Манос бошчилик қилаётган бригада азаматлари «СССР 50 йиллиги» метро станциясида ободончилик ишларини бошлаб юборишди. Улар янги ирригация шахобчаларини ўрнатиб, йўлкалар барпо қилишмоқда.

Бошқарманинг ана шу иккала бригадаси ҳам 1979 йил учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилди. Улар зиммаларига олган барча объектларни сифатли ва муддатидан илгари адо этишга аҳд қилиб, ишлашмоқда. Азамат коллектив январь ойи планини муддатидан илгари бажарди.

БУГУН

бригада азаматлари метрога олиб борадиган йўлкага неон чироқларининг сўнггисини ўрнатишди.

Кўчалар обод бўлмоқда

«Гордорстройремонт» трестининг 4-ремонт қурилиш бошқармасига қарашли Фёдор Иванович Фетисов бошчилик қилаётган бригада эса Самолётсозлар шаҳарчасидаги Проектная кўчасига асфальт ётқизишмоқда. Эни 21 метр, узунлиги 250 метрни ташкил қиладиган бу кўчада

БУГУН

ирригация шахобчалари ўрнатилиб бўлинди. Бригаданинг ҳар бир ишчиси зиммасига олган топшириқни 20—30 процент ортиғи билан адо этмоқда. Бу белгиланган объектни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш имконини беради.

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

БУГУН

Чилонзор массивининг В—14 кварталида қад кўтарган 280 ўринли болалар боғчаси биноси фойдаланишга топширилди.

Объектда умумий қурилиш-монтаж ишларини Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 153-қурилиш трести 14-қурилиш бошқармаси, пардоз ишларини эса Пардозлаш трести 31-қурилиш бошқармасининг жилокорлари амалга оширишган.

Шунингдек, 153-қурилиш трести 3-қурилиш бошқармасининг бинокорлари тўқимачилик комбинати ёнида мазкур корхонанинг ёш оилалари учун 36 квартирага мўлжаллаб тўрт қаватли ётоқхона биноси қурилишини ҳам тугаллашди. Бу объектда беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун иш вақтидан, машина ҳамда механизмлардан унумли фойдаланаётган В. Ананриенко раҳбарлигидаги бригада азаматлари унумли меҳнат қилишган.

ШАҲАР ШТАБИ КЕНГАШМОҚДА

Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, раислигида кўнгилли халқ дружиналари шаҳар штабининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Кўнгилли халқ дружиналари район штабларининг бошлиқлари Ҳамза район партия комитетининг иккинчи секретари Г. Г. Внучков ва Собир Раҳимов район партия комитетининг иккинчи секретари В. И. Мурашов 1978 йилда қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот бердилар. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. С. Зайцевнинг Москва шаҳар кўнгилли халқ дружиналарининг иш тажрибаси тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Штаб йиғилишида кўнгилли халқ дружиналари шаҳар штабининг 1979 йилнинг биринчи квартали учун иш плани тасдиқланди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **БУДАПЕШТ.** Венгриянинг энг йирик саноат марказларидан бири бўлган Дебрецен шаҳрида янги трикотаж фабрикаси ишга тушди. Юпқа ва нафис трикотаж ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган корхонанинг кўпгина буюмлари социалистик мамлакатларга юборилади. Венгрияда енгил саноатни ривожлантириш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Тармоқнинг реконструкция қилинаётган корхоналарида социалистик мамлакатлардан келтирилган машина ва ускуналар кенг қўлланилмоқда.

● **ПАРИЖ.** Париж яқинида жойлашган Сюрендаги «Рено» автомобиль заводининг ишчилари кўплаб ишдан бўшатилаётганлигига қарши норозилик билдириб, ишлаб чиқариш биноларини эгаллаб олдилар. «Рено» заводининг маъмурияти 873 кишини, шу жумладан Сюрендаги заводдан 300 кишини ишдан бўшатиш режаларини эълон қилди.

● **МАДРИД.** Испания металлургларидан 180 минг кишининг забастовкаси ғалаба билан тугади. Бу забастовка касаба союзларининг даъватига мувофиқ шу йил январь ойининг дастлабки кунларида бошланган эди. Меҳнаткашлар иш ҳақининг кўпайтирилишига, отпускалар учун кафолатланган ҳақ тўланишига ва 63 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эришдилар.

● **КОПЕНГАГЕН.** Гренландия аҳолиси 1978 йилнинг 1 январида 49.148 кишига етди. Булардан 40.609 киши туб гренландиялик, деб хабар беради Ритсаус-бюро Дания информация агентлиги.

● **БРАЗЗАВИЛЬ.** Конго Халқ Республикаси давлат бошлиғи лавозимига полковник Дени Сассу-Нгессо тайинланди. Конго меҳнат партияси Марказий Комитетининг Пленуми тугагандан сўнг эълон қилинган расмий ахборотда шу ҳақда айтилади.

Конго меҳнат партияси фавқулодда III съездини ўтказишга тайёргарлик комитетининг раиси қилиб Дени Сассу-Нгессо тайинланди. Бу съездни шу йилнинг март ойида ўтказиш мўлжалланган. Съезд чақирилгунгача Комитет мамлакатда олий сиёсий маъмурият деб ҳисобланади.

● **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистон ҳукумати қишлоқ жойларни тўла-тўкис электрлаштириш миллий планини амалга оширишга киришди. Ҳиндистондаги 576 мингта қишлоқнинг ҳаммаси 10—15 йил мобайнида электрлаштирилади. Мамлакатда ҳозиргача қишлоқларнинг 35 процентини электрлаштирилди. Панжоб ва Харияна штатларидаги, Деҳли, Пондишери ва Чандигарх иттифоқ территорияларидаги қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳаммасини электрлаштириш ниҳоясига етказилди. Шу олтинчи беш йиллик охирига бориб, яна юз мингдан кўпроқ қишлоқ электр энергия билан таъминланади.

(ТАСС).

1979 йил 4 МАРТ ЯКШАНБА

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯ АМАЛДА

СССРда бутун ҳокимият халқники эканлиги ва уни халқ ўз қизиқишига қараб амалга ошириши — совет демократиясининг моҳияти ана шундай.

— Биз,—деган эди Л. И. Брежнев СССР Олий Советининг навбатдан ташқари VII сессиясида 1977 йил 4 октябрда қилган докладида, —янги Конституцияни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг олтмиш йиллиги арафасида қабул қиляпмиз. Бу — мамлакатимиз ҳаётидаги икки жуда катта воқеанинг шунчаки вақт жиҳатидан тўғри келиб қолиши эмас. Бу воқеалар ўртасидаги алоқа анча чуқур. Янги Конституция — Совет давлати бутун олтмиш йиллик ривожининг умумлашган якуни, деса бўлади. У Октябрь эълон қилган ғоялар, Ленин васиятлари муваффақиятли амалга оширилаётганлигидан яққол далолат бериб турибди.

«Социализм шароитида, деб таъкидлаган эди В. И. Ленин, «примитив» демократиянинг кўп қисми муқаррар равишда жонланади, чунки аҳолининг **жуда кўпчилиги** цивилизацияли жамиятлар тарихида биринчи марта фақат овоз беришда ва сайловлардагина эмас, балки **кундалик идора қилиш ишларида ҳам мустақил равишда** иштирок қилиш даражасига кўтарилади»[1].

Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатиб турибдики, пролетариат диктатураси давлатининг ўсиб, аста-секин умумхалқ давлатига айланиши, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, — социалистик ижтимоий муносабатлар тўла тантана қилганлигининг оқибатларидан биридир. Совет Иттифоқи ҳозирги кунда Октябрь вужудга келтирган давлат тараққиётининг қонуниятли босқичи, етук социализмга хос бўлган босқичдир. Бинобарин, давлат органларининг вазифалари ҳам, уларнинг структураси, функцияси, фаолият тартиби ҳам жамият ривожининг эришилган босқичига мос бўлиши керак.

Доҳий В. И. Лениннинг социалистик демократияни узлуксиз равишда ривожлантириш тўғрисидаги ғояларини амалга ошира ва бойита бориб, КПСС Советлар ва оммавий жамоат ташкилотларининг давлат, хўжалик ҳамда социал-маданий қурилишдаги ролини оширишга, уларнинг омма билан кундалик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

СССР янги Конституциясининг, иттифоқдош ва автоном республикалар янги Конституцияларининг ва СССР Олий Советига ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Қонунларнинг қабул қилиниши социалистик демократияни янада ривожлантиришда энг муҳим воқеа бўлиб қолди.

Янги Конституция кучга кирган буён ўтган вақтда Совет жамияти сиёсий системасининг асосий йўналиши социалистик демократияни янада ривожлантиришга қаратилганлигидан гувоҳлик бериб турибди. Бу жараён умумхарактерга эга. Унинг формалари ҳам ҳар хил кўринишда: фақат хўжаликдагина эмас, шу билан бирга жамиятнинг социал-сиёсий ячейкаси ҳисобланган меҳнат коллективи ролининг ўсиши, давлат аппарати, касаба союзлари, комсомол каби жамоат ташкилотлари ишларининг такомиллашуви; аҳоли ташаббускор органлари фаолиятининг активлашуви ҳамда уларнинг умумдавлат, шунингдек маҳаллий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этишда Советлар билан алоқасининг кенгайиб бораётганлиги шулар жумласидандир.

Ой сайин, кун сайин янги Конституцияга мувофиқ иш олиб борилаётганлиги ўртоқ Л. И. Брежневнинг янги Конституция социалистик демократияни бундан буён янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг муҳим воситаси, коммунизм қурилишининг қудратли қуроли бўлиб қолади, деган сўзлари нақадар ҳаққоний эканлигини ишончли равишда тасдиқлаб бермоқда.

Социалистик демократиянинг тарихий аҳамияти шундан иборатки, у коммунизм қурилиши ишига хизмат қилади ҳамда ривожланган социализм жамияти демократиясининг характерли хусусиятларини, унинг коммунистик қурилишда социал-сиёсий ва иқтисодий вазифаларни ҳал этишдаги ролини белгилаб беради.

Бизнинг мамлакатимизда жамоат ташкилотлари билан бир қаторда кўнгилли бирлашмалар — аҳоли ташаббускор органлари тармоқлари ҳам ривожланмоқда ва кенгаймоқда. Булар Советларга бирлашиб, унинг раҳбарлиги остида иш олиб бормоқла. Шу билан бир вақтда, бу ташкилотлар жойларда хўжалик ва социал-маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда бевосита иштирок этмоқдалар. Аҳоли ташаббускор органлари билан яқиндан алоқада бўлиб иш олиб бориш — Советлар ва улар ижроия комитетларининг куч-қудратини оширади.

Ривожланган социализм меҳнаткашларнинг ҳар тарафлама сиёсий ижодкорлиги учун мисли кўрилмаган кенг йўл очиб берди. СССРнинг янги Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан бу ҳаракат янада кенг қулоч ёйди ва амалий кучга эришди. Кейинги йилларда меҳнаткашларни Советлар ишига оммавий жалб этишнинг турли-туман формалари вужудга келмоқда, синаб кўрилган эски формалар ўрнини янги мазмун билан бойитилган формалар эгалламоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Советлар, ижроия комитетлар ва улар бўлимларининг раҳбарлиги остида аҳолининг 61511 ҳар хил ташаббускор органлари иш олиб бормоқда. Бу органлар составига 600 мингдан ортиқ активистлар сайланган.

Тошкент шаҳар маҳаллий Совети атрофида группалашган 7500 дан ортиқ ҳар хил шундай ташкилотлар борлиги алоҳида эътиборга сазовордир. Уларнинг составида 103143 жамоатчи-активист иш олиб бормоқда. Булар — маҳалла ва уй комитетлари, хотин-қизлар Советлари, ота-оналар комитетлари, кўнгилли ўт ўчирувчилар, халқ контроли группалари, ўртоқлик судлари, кўнгилли халқ дружиначилари, санитария дружиналари ва бошқа кўплаб ташкилотлардир.

Советларнинг ташаббускор органларнинг кенг тармоғига таяниши уларнинг муваффақиятли ишлашлари учун зарур шарт ҳисобланади. Советларнинг ташаббускор органлар билан яқиндан алоқада бўлишлари ишнинг аҳволини чуқур ўрганиш, аҳоли эҳтиёжини тўла ҳис этиш, белгиланган ҳамма тадбирларни бажаришда оммани тўла сафарбар этиш имконини беради.

Меҳнаткашларнинг ташаббускор органлари айнан маҳаллий Советларнинг территориясида ёки корхона, ташкилотларнинг меҳнат коллективларида иш олиб боради. Бу органлар маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, ижроия комитетларнинг бўлим ва бошқармалари, саноат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар ва гражданларнинг яшаш жойларида (масалан, мактаблар, клублар, уй бошқармалари, уй-жойлардан фойдаланиш конторалари ва маҳаллаларда), айрим ҳолатларда эса касаба союзлари, комсомол ташкилотлари ва жойларда ташкил этилади.

Ташаббускор ташкилотларнинг фаолияти бевосита маҳаллий Советларнинг ижро органлари раҳбарлиги остида олиб борилади ёки улар томонидан йўл-йўриқ кўрсатиб турилади. Аҳоли ташаббускор органларининг кўп сонлиги ва тармоқланиши ўзида оммавий характерни касб этмоқда. Улар қоида бўйича аҳоли истиқомат қиладиган жойларда гражданларнинг ёки меҳнат коллективларининг умумий йиғилишида сайланиш йўли билан ташкил топадилар.

Ривожланган социализм шароитида аҳоли ташаббускор органлари роли тўғрисида гапирар эканмиз, уларнинг қуйидаги хусусиятларини алоҳида таъкидлаб ўтишга тўғри келади:

а) бу органлар совет жамияти сиёсий системаси элементларининг бир қисмини ташкил этади; б) ташаббускор органлар меҳнат коллективининг бошланғич ташкилотидан иборатдир; в) ташаббускор органлар фаолиятининг кўп қирралилиги — бу, бевосита демократиянинг ривожланиши демакдир.

Советларнинг, жамоат ташкилотлари ва аҳоли ташаббускор органларининг ягона социал табиати коммунистик партия раҳбарлигида улар томонидан коммунистик қурилиш вазифаларининг бажарилиши шундай мустаҳкам сиёсий базани ташкил этадики, барча жамоат ташаббускор ташкилотларнинг ва Советларнинг ўзаро муносабати ана шу базага асосланади. Советлар меҳнаткашларнинг тўла ҳокимиятли давлат ташкилотлари сифатида аҳоли моддий ва маданий турмуш даражасини оширишга, уларни коммунизм руҳида тарбиялашга эришади. Ўз ишида жамоатчилик, коллектив ҳамда гражданларнинг шахсий қизиқишларини қондиришни акс эттирувчи аҳоли ташаббускор органлари ҳам ўз олдига ана шундай мақсадни қўйгандир.

Тошкент аҳолисининг ташаббускор органлари амалий фаолиятини ўрганиш шундан далолат берадики, бу органлар маҳаллий Советларга, уларнинг ижроия комитетларига, доимий комиссияларга, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга хўжалик ва социал-маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда, халқ оммасини жамият ишини бошқаришга жалб этишда катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Айниқса маҳалла (квартал) ва жамоатчилик уй комитетлари (шаҳарда уларнинг сони 334 тага етган, уларнинг составида эса, 4700 дан ортиқ активист ишламоқда), халқ кўнгилли дружиначилари ва ўртоқлик судлари (буларнинг составида 44,5 минг активист бор) айниқса ўзларининг яхши ишлари билан танилдилар. Бу органлар район ижроия комитетларининг бўлимлари ва доимий комиссиялар билан биргаликда жамоатчиликни социал-маданий қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилишига, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга сафарбар этмоқдалар, социалистик қонунчиликни ҳамда жамоат тартибини мустаҳкамлашда ҳамкорлик кўрсатмоқдалар, аҳоли ўртасида маданий-тарбиявий ишларни олиб бормоқдалар.

Халқ контроли группа ва постларининг амалий фаолияти диққатга сазовордир. Уларнинг сафида 40 мингдан ортиқ жамоатчи-активист иш олиб бормоқда. Улар шаҳар ва район комитетларининг раҳбарлиги остида шаҳардаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда бевосита назорат ишларини олиб бормоқдалар, партия, совет ва хўжалик органларига ишлаб чиқаришнинг, бошқариш ҳамда хизмат кўрсатишнинг ҳамма участкаларида хўжасизлик ва талон-тарожнинг, давлат ва ишлаб чиқариш интизомининг, социалистик қонунчиликнинг бузилиши олдини олишда ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Аҳоли ташаббускор органларининг бир бутун тармоқлари — мактаблар ва мактабгача ёшдаги муассасалардаги ота-оналар комитетлари, хотин-қизлар Советлари ва бошқалар — болаларнинг ўқуви ва таълим-тарбияси ишида ҳамкорлик кўрсатмоқдалар. Бу органлар халқ маорифи тўғрисидаги қонунга риоя қилинишини кузатадилар ўзлаштирмовчи ҳамда тарбияси қийин бўлган ўқувчиларнинг ота-оналарига таъсир ўтказадилар, биноларнинг ремонтини ташкил этишда, болаларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишлари ва ёзги дам олишларида ёрдам кўрсатадилар.

Шунингдек, кўп сонли ташаббускор органлар социал-маданий қурилиш ташкилотлари системасида, моддий ишлаб чиқариш соҳасида хизмат қилиб, коммунистик қурилиш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шуни таъкидлаш керакки, социалистик демократияни бундан буён янада ривожлантириш ҳамда меҳнаткашларнинг жамиятни ва давлатни бошқариш ишидаги активлигини ошириш шароитида аҳоли ташаббускор органларининг ташкилий ривожланишлари ва мустаҳкамланишлари, уларнинг роли ва обрў-эътиборининг ошиши муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида қуйидагиларни талаб қилади: биринчидан, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари томонидан ташаббускор органларга раҳбарликни яхшилаш; иккинчидан, уларни ташкил этишда ва кундалик фаолиятларида расмиятчилик, параллелизм ва бир-бирини қайтариш каби элементларга барҳам бериш, ташаббускор органларнинг куч-ғайратларини мувофиқлаштириш; учинчидан, район Советларининг ижроия комитетлари шунга эришишлари керакки, доимий комиссиялар ва депутатлар, ижроия комитетларнинг бўлим ва бошқармалари аҳолининг мустақил органларига таянсинлар, уларни хўжалик ва социал-маданий қурилиш соҳасидаги муҳим тадбирларни ишлаб чиқишга ва амалга оширишга жалб этсинлар; тўртинчидан, халқ депутатлари шаҳар Советининг ижроия комитети аҳоли ташаббускор органлари фаолиятини мувофиқлаштиришда район ижроия комитетларига, бўлим ва бошқармаларга, доимий комиссияларга ёрдам кўрсатишлари керак; бешинчидан, ташаббускор органларга ёрдам бериш ҳамда уларнинг фаолиятини активлаштириш мақсадида координацион совет тузиш мақсадга мувофиқдир, бу совет состави ижроия комитет ҳамда ташаббускор органларнинг раҳбарларидан иборат бўлиши керак; олтинчидан, ташаббускор органларнинг илғор тажрибаларини муттасил равишда умумлаштириб бориш, ижроия комитетларнинг бўлим ва бошқармалари ҳамда доимий комиссияларнинг аҳоли ташаббускор органлари билан биргаликда олиб борган ижобий ишларини ўзида акс эттирувчи ахборот бюллетенларини вақти-вақти билан чиқариб туриш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли ташаббускор органлари обрў-эътиборини оширишга ҳамда уларнинг амалий фаолиятларини активлаштиришга сўзсиз ёрдам берган бўлур эди.

К. КОМИЛОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг И. М. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти совет қурилиши сектори мудири.

1. В. И. Ленин. Тўла Асарлар тўплами, 33-том, 136-бет.

Ўзбекистон енгил, маҳаллий, қурилиш материаллари министрликларининг корхоналари Москвада бўладиган «Олимпиада— 80» анжумани учун «олимпия» рамзи туширилган товарлар — чинни, трикотаж, ёдгорлик ва бошқа буюмларни ишлаб чиқаришга киришди.

СУРАТДА: Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг рассоми Надежда Аскарянц янги маҳсулот намуналарини кўздан кечирмоқда.

ИШОНЧЛИ ЁРДАМЧИ

Республикада полиграфиячиларни тайёрлашнинг асосий базаси бўлган Тошкентдаги 9-ҳунар-техника билим юртида программалаштирилган асосда ўқитиш кабинети ташкил қилинди. Бу кабинет икки режимда— контроль қилиш ва ўқитиш режимларида ишлайдиган электрон машиналар билан жиҳозланган. Бу машиналар ўқитувчига ўтилган материални тез текшириш ва мустаҳкамлаш имконини беради.

Республикадаги ҳунар-техника билим юртларида программалаштирилган усулда ўқитиш кабинетлари доимо оммалашиб бормоқда. Бу ўқув йилининг ўзидагина ҳунар-техника билим юртларида 60 тадан кўпроқ ана шундай кабинетлар ташкил қилинди.

(ЎзТАГ).

Тошкент экскаватор ремонти заводининг меҳнат аҳли республикамиз чўлқуварларига экскаваторлар ва ер-мелиорация иншоотлари қурилишида фойдаланиладиган механизмларни кўплаб ремонт қилиб бермоқдалар. Корхона ишчилари ўртасида беш йиллик шахсий топшириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган ишчилар сони тобора ортиб боряпти.

СУРАТДА: ана шундай ташаббускорлардан моҳир токарь, коммунистик меҳнат зарбдори Виктор Филиппов.

М. Нуриддинов фотолари.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ'ДА босилгандан кейин

«АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР»

Газетамизнинг 13 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда баъзан электр энергияси йўқ бўлиб қолаётгани, айниқса бу борада Қорақамиш массивида аҳвол нормал ҳолда эмаслиги, электр тармоқларига берилаётган заявкалар вақтида бажарилмаслиги танқид қилинган эди.

Шаҳар электр тармоқлари корхонасидан олинган жавобда бу материал коллектив ўртасида ишлаб чиқилгани маълум қилинади. Заявкаларга нисбатан эътибор билан қараш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Қорақамишдаги кўпгина уйларга энергия узатадиган линиялар тез орада ремонтдан чиқарилади. Бундан ташқари, заявкалар марказлаштирилган ҳолда олинмоқда ва уларнинг ижро этилиши қатъий назорат қилинмоқда.

Уй-жойлардан фойдаланиш конторалари ҳам навбатчилик ишини йўлга қўйишлари, квартирада чироқ бўлмаган ҳолларда улар тезда чора кўришлари керак.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

Эрон халқи курашмоқда

Ҳурматли редакция!

Бизнинг оила аъзоларимизни шу кунларда Эронда бўлаётган воқеалар қизиқтирмоқда. Илтимос, ана шу мавзуда батафсил маълумот берсангиз.

А. АБДУЛЛАЕВ,

Тошкент шаҳар, Шерозий кўчасидаги 32-уйда истиқомат қилувчи.

Дунё аҳли зўр эътибор билан Эрондаги воқеаларни кузатиб бормоқда. Бунинг сабаби шуки, Эрон халқи шоҳ зулмига, мустабид тартиботларга, чет эл капиталига қарши курашга кўтарилди.

Эрон Осиёдаги кўҳна давлатлардан бўлиб, 1971 йили унинг 2500 йиллиги нишонланди. Ўрта Шарққа жойлашган Эрон давлати 1648 минг квадрат километр майдонга, 35 миллион аҳолига эга. Аҳоли ўз составига кўра кўп миллатли бўлиб, 50 процентга яқинини эронликлар ташкил этади. Эрон конституцион монархияли давлат бўлиб, давлат бошлиғи шаҳоншоҳ эди. 1941 йилдан бери бу олий мартабага Муҳаммад Ризо Пахлавий эга бўлиб келди. Эрон шоҳи америкалик бизнесменлар ва сиёсатдонлар учун жуда улуғ киши бўлиб кўринган. Аммо бу нуфузли шахс ўз халқининг, ўз ватандошларининг қаттиқ нафратига дучор бўлди. 38 йил давомида Муҳаммад Ризо Пахлавий халққа ёт, ўта деспотик сиёсат юргизди. Бунинг оқибатида халқ пахлавийлар ҳукмронлигига қарши курашни йил сайин кучайтириб борди. 1949, 1965 йиллари шоҳга қарши суиқасд уюштирилди. 1951 йили оммавий сиёсий ҳаракат шоҳни йиқитишга, Моссадиқ бошчилигидаги халқ ҳукуматини тузишга олиб келди. АҚШнинг «қўллаб-қувватлаши» натижасида 1953 йили Мосаддиқ ҳукумати тақиқланди. Шоҳ қайтиб келди. Бу эса, ўз навбатида Эронни АҚШ билан жуда яқинлаштириб юборди. Ҳатто АҚШнинг 39-президенти Картер Эронни Ўрта Шарқдаги энг керакли ва ишонарли иттифоқчи деб атади. Шоҳ 1951, 1953 йиллар воқеасидан хулоса қилиб, Эрон эшигини АҚШ учун очиб қўйди ва милитаристик сиёсатни амалга ошира бошлади. Ўз халқига қарши даҳшатли репрессияни амалга оширди. Ҳарбий харажатлар тинимсиз ўсиб борди. Халқ турмуши эса йилдан-йилга ёмонлашаверди. Расмий маълумотларга қараганда ўтган чорак аср давомида ҳарбий харажатлар минг бараварига ўсди. Халқ турмуши эса, 59 процентга ёмонлашган. Ҳозирги пайтда 35 миллионли Эрон халқининг 54 проценти қашшоқликда яшамоқда. 28 процент аҳоли эса бир бурда нонга зор. Фақат 18 процент зодагонлар нефтдан оқиб келаётган мўмай пуллардан роҳатда кун кечириб келмоқдалар. Демак, ҳозирги кунда Эронда давом этаётган революцияга туртки берган сабаблар ичида, мутахассисларнинг кўрсатишича, иккита фактор алоҳида роль ўйнамоқда. Биринчидан, Эрон эшигини чет эл капиталига очиб қўйиб, унинг бойликларини талон-тарож қилиш бўлса, иккинчидан, халқнинг миллий туйғулари, урф-одатлари, ислом ақидаларига ҳурматсизлик қилишдир. Маълумки, Эронда АҚШнинг 500 фирмаси, Англиянинг 50 фирмаси, Франциянинг 50 ташкилоти, ГФР, Италия, Япония корхоналари Эроннинг бутун хўжалик калитларини ўз қўлларига ўтказиб олди. Бу эса Эрон миллий буржуазиясига катта зарба бўлди. У ўз мамлакатида кенг фаолиятдан маҳрум бўлди, йирик капиталистик компаниялар билан рақобат қилолмай, инқирозга учрай бошлади. Бу эса Эрон буржуазиясини шоҳга қарши курашга кўтарилишга олиб келди. Бу курашни аҳолининг 25 процентини ташкил этиб турган ўрта табақалар, савдогарлар ва корхона эгалари ҳам қўллади. Бу синфий кураш орбитасига Эрон деҳқонлари ҳам қўшилиб кетди. Улар монархияни йўқотиш, Америка империализмига қарши шиорлар билан намойишлар ўтказишди.

Синфий курашга дин аҳли ҳам қўшилди. Бу курашга 1949 йили асос солинган Миллий фронт бошчилик қилди. Мамлакатда вазиятни нормаллаштириш мақсадида шоҳ 1978 йил ичида уч марта ҳукуматни ўзгартирди. Лекин барча кўрилган чоралар истаган мақсадни бермади. Халқ кураши авж олаверди. Шундай жиддий шароитда шоҳ Миллий фронт раҳбарларидан бири, 62 ёшли Ш. Бахтиёрни ўз томонига оғдириб, унга ҳукумат тузишни топширди...

15 йил қувғинда юрган 78 ёшли Оятилло Ҳумайнининг 1 февраль куни Париждан Теҳронга қайтиб келиши Эрон халқи монархия ва Америка империализмига қарши олиб бораётган курашида янги босқичга кўтарилганлигини кўрсатди. Бу курашда ғалаба калити барча сиёсий оппозицион кучларнинг бир бўлиб аҳил ҳаракат қилишидадир.

Оятилло Ҳумайни шоҳ зулмига учраган шахслардан бири. Маълумки, Эронда ислом дини ҳукмрон бўлиб, у 1501 йилдан бери давлат дини бўлиб, мамлакат ҳаётида катта роль ўйнаб келмоқда. Оятилло Ҳумайни Эроннинг Ҳумоян қишлоғида туғилиб, шу қишлоқ номи билан Ҳумайни деб аталган. Унинг асли исми Руҳолла, у 49 ёшга тўлган чоғида, 1950 йили шоҳ Муҳаммад Ризо Пахлавий унинг отасини қатл қилдирди. Бунга жавобан Ҳумайни шоҳ тартиботларига қарши курашга отланди. 1963 йили шоҳ Оятилло Ҳумайнини мамлакатдан бадарға қилди. У кўп вақт Ироқда ва сўнгги тўрт ой ичида Францияда яшади. Оятилло Ҳумайни Эроннинг йирик диний маркази Кум шаҳрида диний мактабларда дарс берган, кўплаб китоблар ёзган, катта обрў қозонган шахсдир. Эрон халқи ҳозирги кунда Оятилло Ҳумайни атрофига уюшган ҳолда ўз курашини ғолибона якунлаш учун интилмоқда.

Ҳумайни тайинлаган муваққат ҳукумати бошлиғи Бозоргон: «Менинг ҳукуматим мамлакатда реал ҳокимиятни амалга оширади», деди. Дарҳақиқат, Теҳрон, Табриз, Исфаҳон, Кирмоншоҳ, Зоҳидон шаҳарларида муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлаш юзасидан оммавий намойишлар бўлиб ўтди.

Ҳозирги жиддий вазиятда ҳам совет халқининг ҳайрихоҳлиги Эрон халқи томонидадир. Совет — Эрон муносабатларининг жабҳаларида улуғ инсон В. И. Ленин турган эди. 1920 йилнинг май ойида Совет Россияси Эрон давлати билан дипломатик алоқа ўрнатган эди. 1921 йилнинг февраль ойида эса, Совет—Эрон шартномаси имзоланди. Турли ижтимоий системадаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинча принциплари асосида қўшни Эрон билан муносабатларимиз ривожланиб келинди. 1972 йилнинг октябрь ойида, Москвада СССР ва Эрон ўртасида 15 йилга мўлжалланган иқтисодий ва техник ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида шартнома имзоланди. Бизнинг мамлакатимизнинг иқтисодий ва техник ёрдамида Исфаҳон металлургия заводи, уйсозлик комбинати, машинасозлик заводи, балиқ урчитиш заводи, Трансиран газ қувури, элеваторлар, ўқув юртлари ва бошқа объектлар ишга туширилди.

Совет—Эрон муносабатларининг тажрибаси яна бир бор социализм дипломатиясининг улкан устунлигидан, СССР тинчлик ва ижтимоий тараққиёт кучларини изчиллик билан қўллаб келаётганлигидан ёркин далолат бериб турибди.

Қаҳрамон ва бунёдкор халқимиз Эрон миллий тараққиёт кучларининг ғалабасига ҳайрихоҳдир.

Э. ҲАЙИТБОЕВ,

тарих фанлари кандидати, доцент.

ЭРОНДАГИ ВАЗИЯТ

ТЕҲРОН, 12 февраль. ТАСС мухбирлари Н. Король ва М. Крутихин хабар қиладилар:

Эрон пойтахтидаги вазият ҳаддан ташқари кескин бўлиб турибди. Эски режим гумашталарига қарши халқ ғалаёни тобора кучаймоқда.

Шаҳарда катта-катта ёнғинлар бошланди. Бир қанча районларда турар жой биноларига ҳам ўт кетди. Бир ярим мингтадан кўпроқ бино, бензоколонкалар ловуллаб ёнмоқда.

Қўзғолончилар бугун шоҳнинг Теҳрон шимолий секторидаги қишки саройи— Ниаваранни штурм билан қўлга олдилар. Саройни қўриқлаб турган шоҳ гвардияси қўшинлари таслим бўлганликларини билдириб, оқ байроқ кўтардилар ва қўзғолончиларга асир тушдилар. Шоҳнинг Гулистон саройини ҳам қўзғолончилар ишғол этишди. Улар узоқ давом этган жангдан кейин шаҳарнинг энг катта қамоқхонаси — Эвинни қўлга олишга муваффақ бўлдилар.

Оппозиция раҳбари Оятилло Ҳумайни халққа қилган мурожаатида «ғалаба яқин» эканини айтди ва революцион оммани казармаларга ва давлат муассасаларига ҳужум қилишни тўхтатишга чақирди.

Истеъфо берган Бахтиёрнинг тақдири тўғрисида ҳеч қандай расмий хабар айтилмаяпти. Радио ва телевидениенинг ҳали тасдиқланмаган хабарларига қараганда, қўзғолон кўтарган халқ Бахтиёр қароргоҳига ёпирилиб ҳужум қилган пайтда у ўзини ўзи ўлдирган эмиш. Ҳумайни ёрдамчиси Яздийнинг матбуот конференциясида айтган маълумотига қараганда, Бахтиёр чет элга кочган.

Муваққат ислом ҳукуматининг бошлиғи М. Бозоргон бугун ўз вазифаларини ижро этиш учун бош министр маҳкамасига келди.

Радио орқали эълон қилинган ахборотда ҳукумат бошлиғи давлат муассасаларининг хизматчиларини кабинетнинг янги аъзолари тайинлангунча министрларнинг собиқ ўринбосарлари ва бошқа расмий кишилар билан ҳамкорликда ўз вазифаларини бажариб туришга чақирди.

ТАНҚИД ЎТИ БИЛАН

Беш ёзилади, дилда—икки

ЁКИ ТОШКЕНТДАГИ АЙРИМ КОРХОНАЛАРНИНГ ЎЗ ШАРТНОМАЛАРИ МАСЪУЛИЯТИГА НИСБАТАН МУНОСАБАТЛАРИ ҲАҚИДА

Математикага доимо тишим ўтмасди. Ҳали-ҳали эсимда, мактабда ўқиб юрган чоғимда қандайдир бирор мураккаб масала тушиб қолса, шу заҳоти довдираб қолардим. Жавобим асло тўғри келмас, қовушмасди. Ҳаммаси бемаъниликдан... Ўқитувчимиз эса доска олдида туриб олиб: «Беш ёзамиз, икки эса дилда...» дерди. Мен эса дилдаги иккини эсдан чиқариб, беш ёзардим. Шундай қилиб, улар ҳисобланмай қолиб кетарди.

Агар сенинг хотирангга «500» ёки 750 ни сиғдирамиз дейишса, эс-ҳушим чиқиб кетармиди? Ишониб бўлмайди дейсизми? Э, йўқ мана «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси раҳбарлари шундай фикрдалар. Шунинг учун ҳам ажойиб ҳангомалар бўляпти: 1978 йилнинг аллақачон тамом бўлганига қарамай, корхона Советский Гавань ва Аральск шаҳарларидаги кема ремонти заводларига 500 пакет включатель, Москва, Лиепай, Махачқалъа... корхоналарига 3 мингтадан ортиқ ана шундай маҳсулот етказиб беролмади.

Яхшиямки, мижозлар электраппаратчиларнинг қулоқ ва мияларини қоқиб, мунтазам эслатиб туришади. Маҳсулот ўз вақтида етказиб берилмаётган бўлса-да, таъминловчиларни «Ортяпмиз!», «Тез кунда жўнатамиз!», «Эрта-индинга кутинглар!» деган телеграмма — жавоблар ёзишга мажбур этишади.

Мижозлар Тошкент корхонаси раҳбарларининг жимжимадор имзолари қўйилган, кооперация бўйича маҳсулот етказиб бериш шартномасини қўлларида дастак қилганларича зарур буюмларни интизорлик билан кутишяпти. Ремонтга қўйилган кемалар, деярли тайёр бўлиб қолган станоклар... кичкинагина деталлар — переключателларни кутмоқда. Ахир буларсиз бирорта ҳам кемани денгизда сузиш учун жўнатиб бўлмайди, бирорта станок эса ишламайди...

Худди шунингдек, бирорта тикувчилик фабрикаси ҳам ипсиз ишлолмайди. Ип эса йўқ. Тошкент тўқимачилик комбинати ипни ўз вақтида жўнатмаяпти. Шунингдек, газламалар Фарғона, Андижон, Кустанай базаларига ҳам юборилмаяпти. Тўқимачилар йирик рақамни— 13 миллионни ёдларидан чиқариб қўйишган, шекилли. Улар ана шунча сўмлик маҳсулотни мижозларига етказиб беролмадилар.

«Ташавтоматика» заводи раҳбарлари ҳам ҳаддан ташқари паришонхотирликларини намойиш этмоқдалар. Бу корхона кейинги вақтгача «Оазис» музхоналари ишлаб чиқарарди. Улар Топчихин район универсал магазини ходимларининг брак бўлган музхона ўрнига янгисини юбориш учун сўраган илтимосларини дилларида икки йил сақлашди. «Қойил», улар савдо ходимларининг эътирозларига «қаттиқ бардош» бердилар.

Афсус, янги музхонани берганлиги тўғрисида баҳслашиб ўтирмаймиз. Бироқ мижозларга буни тушунтиролмайсиз. Улар эса сим қоқишади, телеграммалар ёғдириб ташлашади, шартномани пеш қилиб кўрсатишади.

— Худо ҳаққи, унутишди!— дея узоқ кутишлардан сўнг ниҳоят жавоб олишади улар Тошкентдан. Бутунлай эсдан чиқаришибди!

Ўзингиз тушунасиз, ахир шундай катта рақамни эсда сақлаб бўладими, баъзи икир-чикирларгина эсда қолган...»

Лекин бундай масъулиятли ишда, яъни шартнома бўйича маҳсулот етказиб беришда ҳох қандай корхона бўлмасин, ҳатто унинг конвейерини тўхтатинг, барибир ҳеч қандай рақамни эсдан чиқармаслик керак. Ҳаммаси ҳеч қандай қолдиқсиз тўғри келиши лозим. Акс ҳолда, яъни бепоён хотиранинг қайси бир чуқурлигида йўқолса, у ҳолда ижтимоийликка ўтиш керакдир? Ваҳоланки, у ерда ҳам яхши хотирасиз бир қадам силжиш мушкул...

А. ТЮРИКОВ.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ ТУРМУШИМИЗДАН МУСТАҲКАМ ЎРИН ОЛСИН

• Асосий рекорд — саломатлик

• ГТО нишонидан — олимпиада медалига

• Спорт меҳнатга ҳамдам

Шаҳримизда енгил атлетика тобора оммалашиб бормоқда.
СУРАТДА: 1500 метр масофага аёллар ўртасида ўтказилган пойга қатнашчилари.
А. Жданов фотоси.

Оммавийлик ва маҳоратни оширайлик

М. Ф. СОЛДАТОВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари

Ўзбекистон пойтахти партия ташкилотлари КПСС XXV съездининг меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий руҳда тарбиялашни бир-бири билан чамбарчас боғлаб олиб бориш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажара бориб, физкультура ва спортни ривожлантириш масалаларига сезиларли даражада эътиборни кучайтирдилар. Партия ташкилотлари спорт комитетлари ва коллективларига уларнинг меҳнаткашларни жисмоний тарбиялаш бўйича фаолиятини такомиллаштиришга, физкультура ва спортни кенг ривожлантиришга катта ёрдам бермоқдалар.

Натижада сўнгги уч йил мобайнида шаҳар физкультурачилар сони 200 минг кишига кўпайди. Ҳозир ҳар тўрт тошкентликнинг бири физкультура ва спортнинг доимий машғулотига жалб этилган. Спортнинг турли ўйинлари, енгил атлетика, шунингдек, спортнинг янги турларидан чим устида хоккей, дельтапланеризм, каратай кураши янада тараққий этди. Спорт иншоотлари тармоғи кенгайди. Пойтахт спортчиларининг маҳорати ошди.

Шаҳарда 1978 йилда (15 йиллик танаффусдан сўнг) шаҳар спартакиадасининг ўтказилиши физкультура ҳаракатини янада ривожлантиришга ёрдам берди. Шуни айтиш кифояки, шаҳар спартакиадасининг биринчи босқичининг бевосита меҳнат коллективларида, умумтаълим мактабларида ва ўқув юртларида, шунингдек турар жойларда бўлиб мусобақаларида барча ёшдаги 427 мингдан зиёд киши қатнашди. Шаҳарда оммавий спорт мусобақаларида ҳеч қачон бунчалик кўп киши қатнашмаган эди.

Эришилган ютуқларни объектив баҳолаган ҳолда биз физкультура-спорт ишларини ташкил этишда ҳали жиддий нуқсонлар борлигини рўй-рост тан олишимиз лозим. Ҳали унинг савияси ва миқёси замон талабларига тўла жавоб беролмайди, у Тошкент эга бўлган жуда катта имкониятлар даражасида эмас. Энг аввало, физкультура ва спорт ҳақиқий оммавийлик касб этганича йўқ. Кўпинча бизнинг асосий эътиборимиз спортчиларнинг тор доирасига оид муваффақиятларга қаратилмоқда. Бу эса бевосита коллективларда ва аҳоли турар жойларида физкультура ишларини кенг ташкил этишга зарар етказмоқда.

Физкультура ишлари кўпинча меҳнаткашлар турли группаларининг ёшлари ва касб хусусиятлари, қизиқишлари ва хоҳиш-истакларини ҳисобга олмай ташкил этилмоқда. Бир қатор корхона ва муассасаларда меҳнат унумдорлигини ошириш ва касалликларнинг олдини олиш бўйича тадбирларнинг ажралмас қисми бўлган ишлаб чиқариш гимнастикаси етарли даражада ривожланмаяпти.

Бир қатор меҳнат коллективларида физкультура ва спорт ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу жумладан, агрегат. «Компрессор», «Ташгазаппарат», «Эталон» заводларига тааллуқли. Бу ерда физкультура коллективлари номигагина тузилган. Мавжуд спорт иншоотларидан қониқарсиз фойдаланиляпти.

Физкультура-оммавий ишлардаги жиддий нуқсонлар энг аввало, бир қатор партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг эътибори сустлиги билан изоҳланади.

Меҳнаткашлар турар жойларида аҳолининг барча ёшдаги табақалари хусусиятларини ҳисобга олиб, оммавий физкультура, соғломлаштириш ишларини ташкил этиш га алоҳида эътибор бериш лозим. Шуни айтиш керакки, сўнгги вақтларда шаҳар физкультура ва турар жой коммунал органлари бу ишларни яхшиладилар. Комсомол уларга кўпроқ ёрдам берадиган бўлиб қолди. 1978 йилда турар жойларда ўтказилган спорт тадбирларида 50 мингдан зиёд ёш тошкентликлар қатнашдилар. «Чарм тўп» клуби соврини учун ҳовли командалари мусобақалари кенг тус оляпти. Турар жойларда ўрта ва кекса ёшдаги кишилар ўртасида физкультура-соғломлаштириш ишларини ташкил этишга асос солинди. Бир қатор районларда оммавий физкультура-спорт байрамлари ва оилавий мусобақалар ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, турар жойларда физкультура-оммавий ишлар ҳамон бўш соҳа бўлиб келмоқда. Шаҳарда 1100 та спорт иншооти бор. Бироқ уларнинг кўпчилигидан жуда ёмон фойдаланилмоқда. ЖЭКлар ва маҳалла комитетлари спорт майдонларининг намунали сақланиши учун, оммавий-физкультура ишларини ташкил этиш учун етарли ғамхўрлик кўрсатишмаяпти.

Ўтган йили пойтахтнинг ҳунар-техника билим юртлари ва техникумларн ўқувчилари, олий ўқув юртларининг студентлари муайян муваффақиятларга эришдилар. Ўқув юртларида халқаро класслари тўрт СССР спорт мастери, 306 СССР спорт мастери ва мастерликка кандидат тайёрланди. Мактабларда «Умид мусобақалари» кенг тараққий этди. Ў ёш талантли спортчиларни аниқлашнинг асосий шакли бўлиб қолди. Тошкент автомобиль йўллари институти, политехника институти, В. И. Ленин номли ТошДУ ва бошқа институтларда ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тарбияси яхши йўлга қўйилган.

Шу билан бирга бу борада бир қатор ўқув юртларида жиддий нуқсонлар бор. Собир Раҳимов районидаги 191, 196-мактабларда, Чилонзордаги 126. Октябрь районидаги 34. Фрунзе районидаги 127 ва бошқа бир қатор ташкилотларда ўқув жараёнлари ва машқлар шу куннинг талабларидан орқада қолмоқда. 30, 34, 95, 158-ва бошқа ҳунар-техника билим юртларида физкультура машғулотлари паст савияда ўтмоқда, машғулотлар ўлда-жўлда бўляпти. Ўқувчилар физкультура дарслари ўрнига бошқа ёрдамчи ишларни бажариш билан шуғулланмоқдалар.

Ҳар бир шаҳарликни физкультура ҳаракатининг қатнашчисига айлантириш бизнинг асосий вазифамиз. «Меҳнатга ва СССР мудофаасига тайёр бўл» физкультура комплексини янада ривожлантириш бу муҳим масалани ҳал қилишнинг калитидир. Бутун аҳолининг ГТО нормасини топширишда қатнашиши катта аҳамиятга эга бўлган ишдир. ГТО кўпкураши комплекси мусобақалари барча катини, катта спортни жиддий ривожлантириш мумкин эмас.

Спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш керак. Шаҳарда ўрта ҳисобда спорт базаларининг 70 процентдан сал ортиғигина иш вақтидан актив фойдаланяпти. Олий ўқув юртлари, техникум ва ҳунар-техника билим юртларининг спорт залларидан самарали фойдаланилмаяпти. Дам олиш кунларида улар одатдагидай қулфлоғлик турибди.

Партия ва совет органлари, касаба союз, комсомол ва физкультура ташкилотлари спорт моддий базасини мустаҳкамлаш юзасидан қатъий чоралар кўришлари зарур. Корхоналарда, муассаса ва ўқув юртларида спорт иншоотлари ва базаларини қуришни туб жихатдан яхшилаш керак. Район ижроия комитетлари район стадионлари ва идоралараро стадионлар ташкил этишда муассаса ва ташкилотларнинг ҳиссага кўшиб қатнашиш усулини кенг ёйишлари керак.

Тошкентликларнинг спорт маҳоратини ошириш — мухим вазифалардан бири. Мамлакатимиз олимпиада командалари составига бизнинг 56 спортчимиз номзоддирлар. 524 спортчи эса СССР халқлари VII ёзги Спартакиадасида қатнашаётган республика терма командасига номзоддирлар.

«Буревестник», «Меҳнат», «Динамо» жамиятлари, Армия спорт клуби спорт коллективлари СССР халқлар Спартакиадасида қатнашиш учун республика терма командасининг номзодларини тайёрлаш ва юқори малакали спортчиларни тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бу борада олий спорт маҳорати мактаби, олимпиада резерви болаларўсмирлар спорт мактаби катта иш олиб бормоқда.

Физкультура ва спорт ташкилотлари масъулиятли мусобақаларда командаларнинг иштирок этиши билан боғлиқ масалаларни қолган вақт ичида ишчанлик билан, конкрет ҳал этишлари, муваффақиятли машқлар олиб бориш учун барча шароитларни яратиб беришлари. тайёргарликнинг шахсий планлари бажарилиши устидан қатъий назорат олиб боришлари зарур. Тошкент спортчилари СССР халқлари VI Спартакиадасида қўлга киритилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлашлари, олимпиада ўйинларида совет спортчиларининг зафарига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Биз шаҳарда физкультура ва спортни янги, янада юксак савияга кўтариш учун барча имконият ва шарт-шароитларга эгамиз. Меҳнаткашлар фаровонлигининг тўхтовсиз ўсиб бориши, уларнинг маънавий камолоти, моддий базанинг ўсиши, иқлим шароитлари — буларнинг барчаси ҳақиқий оммавий физкультура ҳаракатини ривожлантиришнинг объектив омилларидир. Бутун гап шундаки, ана шу шароитлардан оқилона фойдалана билиш, шу мақсадда ўзимизнинг барча ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларимизни яхшилашимиз зарур.

• Физкультура ва спортга партиявий раҳбарлик

Ўзаро ҳамкорликда

М. Х. УМАРОВ,
Фрунзе район партия комитетининг секретари

КПСС XXV съезди қарорлари билан қуролланган Фрунзе район партия ташкилоти физкультура ва спортни ривожлантириш проблемалари билан янада чуқур ва конкрет шуғулланмоқда.

Район партия-хўжалик ва физкультура активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида оммавий-физкультура, спорт-соғломлаштириш ишларини ташкил этишда ҳали жиддий нуқсонлар борлигини рўй-рост тан олишимиз лозим. Ҳали унинг савияси ва миқёси замон талабларига тўла жавоб беролмайди, у Тошкент эга бўлган жуда катта имкониятлар даражасида эмас. Энг аввало, физкультура ва спорт ҳақиқий оммавийлик касб этганича йўқ. Кўпинча бизнинг асосий эътиборимиз спортчиларнинг тор доирасига оид муваффақиятларга қаратилмоқда. Бу эса бевосита коллективларда ва аҳоли турар жойларида физкультура ишларини кенг ташкил этишга зарар етказмоқда.

Ўтган йили пойтахтнинг ҳунар-техника билим юртлари ва техникумлари ўқувчилари, олий ўқув юртларининг студентлари муайян муваффақиятларга эришдилар. Ўқув юртларида халқаро класслари тўрт СССР спорт мастери, 306 СССР спорт мастери ва мастерликка кандидат тайёрланди. Мактабларда «Умид мусобақалари» кенг тараққий этди. Ў ёш талантли спортчиларни аниқлашнинг асосий шакли бўлиб қолди. Тошкент автомобиль йўллари институти, политехника институти, В. И. Ленин номли ТошДУ ва бошқа институтларда ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тарбияси яхши йўлга қўйилган.

Шу билан бирга бу борада бир қатор ўқув юртларида жиддий нуқсонлар бор. Собир Раҳимов районидаги 191, 196-мактабларда, Чилонзордаги 126. Октябрь районидаги 34. Фрунзе районидаги 127 ва бошқа бир қатор ташкилотларда ўқув жараёнлари ва машқлар шу куннинг талабларидан орқада қолмоқда. 30, 34, 95, 158-ва бошқа ҳунар-техника билим юртларида физкультура машғулотлари паст савияда ўтмоқда, машғулотлар ўлда-жўлда бўляпти. Ўқувчилар физкультура дарслари ўрнига бошқа ёрдамчи ишларни бажариш билан шуғулланмоқдалар.

Ҳар бир шаҳарликни физкультура ҳаракатининг қатнашчисига айлантириш бизнинг асосий вазифамиз. «Меҳнатга ва СССР мудофаасига тайёр бўл» физкультура комплексини янада ривожлантириш бу муҳим масалани ҳал қилишнинг калитидир. Бутун аҳолининг ГТО нормасини топширишда қатнашиши катта аҳамиятга эга бўлган ишдир. ГТО кўпкураши комплекси мусобақалари барча катини, катта спортни жиддий ривожлантириш мумкин эмас.

Спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш керак. Шаҳарда ўрта ҳисобда спорт базаларининг 70 процентдан сал ортиғигина иш вақтидан актив фойдаланяпти. Олий ўқув юртлари, техникум ва ҳунар-техника билим юртларининг спорт залларидан самарали фойдаланилмаяпти. Дам олиш кунларида улар одатдагидай қулфлоғлик турибди.

Партия ва совет органлари, касаба союз, комсомол ва физкультура ташкилотлари спорт моддий базасини мустаҳкамлаш юзасидан қатъий чоралар кўришлари зарур. Корхоналарда, муассаса ва ўқув юртларида спорт иншоотлари ва базаларини қуришни туб жихатдан яхшилаш керак. Район ижроия комитетлари район стадионлари ва идоралараро стадионлар ташкил этишда муассаса ва ташкилотларнинг ҳиссага кўшиб қатнашиш усулини кенг ёйишлари керак.

Тошкентликларнинг спорт маҳоратини ошириш — мухим вазифалардан бири. Мамлакатимиз олимпиада командалари составига бизнинг 56 спортчимиз номзоддирлар. 524 спортчи эса СССР халқлари VII ёзги Спартакиадасида қатнашаётган республика терма командасига номзоддирлар.

«Буревестник», «Меҳнат», «Динамо» жамиятлари, Армия спорт клуби спорт коллективлари СССР халқлар Спартакиадасида қатнашиш учун республика терма командасининг номзодларини тайёрлаш ва юқори малакали спортчиларни тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бу борада олий спорт маҳорати мактаби, олимпиада резерви болаларўсмирлар спорт мактаби катта иш олиб бормоқда.

Физкультура ва спорт ташкилотлари масъулиятли мусобақаларда командаларнинг иштирок этиши билан боғлиқ масалаларни қолган вақт ичида ишчанлик билан, конкрет ҳал этишлари, муваффақиятли машқлар олиб бориш учун барча шароитларни яратиб беришлари. тайёргарликнинг шахсий планлари бажарилиши устидан қатъий назорат олиб боришлари зарур. Тошкент спортчилари СССР халқлари VI Спартакиадасида қўлга киритилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлашлари, олимпиада ўйинларида совет спортчиларининг зафарига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Биз шаҳарда физкультура ва спортни янги, янада юксак савияга кўтариш учун барча имконият ва шарт-шароитларга эгамиз. Меҳнаткашлар фаровонлигининг тўхтовсиз ўсиб бориши, уларнинг маънавий камолоти, моддий базанинг ўсиши, иқлим шароитлари — буларнинг барчаси ҳақиқий оммавий физкультура ҳаракатини ривожлантиришнинг объектив омилларидир. Бутун гап шундаки, ана шу шароитлардан оқилона фойдалана билиш, шу мақсадда ўзимизнинг барча ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларимизни яхшилашимиз зарур.

• Спорт комитети: тажриба, проблемалар

ОЛДИНДА — ЯНГИ МАРРАЛАР

Н. Р. БОЙЖОНОВ,
шаҳар спорт комитетининг раиси

Шаҳар физкультура ва спорт ташкилотларининг кўп қирралы фаолиятида тарқибий жиҳатдан бир-бири билан боғланган икки масала ҳудди қизил ипдек бўлиб ўтади. Бу физкультура ва спортнинг оммавийлиги учун, спорт натижаларини ошириш учун тинмай ва зўр бериб ғамхўрлик қилишдан иборат.

Ўқувчи ва студентларни жисмоний тарбиялаш бирмунча яхшиланди, шаҳардаги саноат корхоналари ва ташкилотларида физкультура ва спорт ривожланяпти. XV шаҳар спартакиадаси соҳаларида ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам спортнинг ривожланиши учун зўр туртки бўлди. Ўқувчилар, ўрта махсус билим юртлари талабаларининг спартакиадаларини ўтказиш, «Студент спорти ҳафталиги» ўтказиш оммалашди.

Ёзги йилларда шаҳар спортчиларининг маҳорати бир мунча ўсди. Улар республика, шунингдек Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда тез-тез юксак натижаларга эришадиган бўлиб қолдилар.

СССР халқлари VII ёзги спартакиадаси финал стартларига 524 тошкентлик спортчининг 29 тури бўйича тайёргарлик кўраяпти. Шаҳарнинг барча спорт ташкилотлари Ўзбекистон делегациясига ўз вакилларини юборишди, уларнинг тайёргарлиги устидан назорат ўрнатишди, зарур ёрдам кўрсатишяпти. Ўқишлари ва ишлари учун лозим бўлган шароитларни яратиб беришаяпти.

Бизни ўринбосарлар тайёрлаш масаласи ташвишлантиряпти. Ёшлар спортини ривожлантириш учун барча шароитлар мавжуд.

Умумтаълим мактабларида спортнинг асосий турлари бўйича таълимга ихтисослаштирилган махсус синфлар ташкил этиляпти. Ҳозир шундай синфлардан 62 тасида 2 мингдан кўпроқ бола ўқияпти. Спорт мактабларида ёш спортчилар билан 700 дан зиёд тренерлар шуғулланяпти. Спорт мактабларида спорт мастерлари ва олий разрядли спортчилар миқдори тобора ортмоқда. Республика миқёсида ва Иттифоқ миқёсида ёш спортчилар мусобақаси тез-тез ўтказиб турилибди.

Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, болалар ва ёшлар спортини ривожлантиришда кўпгина жиддий нуқсонлар ва камчиликлар бор. Юксак натижаларга эришишга маълум даражада ёшлар кўнгилли спорт мактабларининг, айниқса касаба союз системасида спорт базалари йўқлиги халақит беряпти. Тренерларни ўқитишга, малакасини оширишга дуруст эътибор берилмаяпти.

Янги вазифалар ўтган йил ноябрь ойида шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан қабул қилинган ва бизнинг олдимизга шаҳарда физкультура ва спортга раҳбарлик даражасини яхшилаш, барча участкаларда иш сифати ва самарадорлигини ошириш вазифасини қўядиган 1979— 1980 йилларда физкультура ва спортни янада ривожлантириш бўйича тадбирлар планида белгиланган.



Тошкентдаги болалар боғчаларининг тарбияланувчилари ўтган йили XV шаҳар спартакиадасининг биринчи босқичи беллашувларида биринчи марта иштирок этдилар. Физкультура ва спорт ёш авлодни комплекс тарбиялашнинг ажралмас қисми сифатида ҳаётдан муҳим ўрин олиб бормоқда.
СУРАТДА: 223-болалар боғчасида ўтказилган мусобақа тасвирланган.
Б. Натанилов фотоси.

Ҳовлида стадион

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Старт» спорт клуби авиасозлар шаҳарчасида катта ишларни амалга оширмоқда. Бу ерда 14 спорт секцияси ишлаб турибди, саломатлик группалари ташкил қилинган.

Турар жойларда амалга оширилаётган физкультура ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Партия, касаба союз ва комсомол комитетлари турар жойда истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида оммавий физкультура ва соғломлаштириш ишларини амалга оширишга ўчун лозим бўлган барча шароитни яратиб берган. Улар спорт майдонларини қуриш ва уларни асраш, машқда қатнашаётганларни зарур жиҳозлар ва буюмлар билан таъминлашга ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Қисқа қилиб айтганда, чкаловликлар ҳар бир уйнинг олдидаги майдончани стадионга айлантириш учун лозим бўлган чораларни амалга оширишмоқда.

Титов номидаги мактабнинг ёш акробатлари навбатдаги машғулот пайтида.
А. Чаплигина фотоси.

Мактаб спортига эътибор

Дарслар залда ўтмоқда

Ҳ. Қ. ЙЎЛДОШЕВ,
шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири

Меҳнаткашларнинг жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ишлари шаҳар халқ маорифи бўлимининг диққат марказида турибди. Жисмоний тарбия дарслари, ГТО комплекси нормативларини ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига ёрдам берадиган давлат программасини бажаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Физкультура ва спорт билан шуғулланаётганларнинг сафи йилдан йилга кўпайиб бормоқда. ГТО нишондорларининг сафи фақат ўтган йилнинг ўзида 5 процентга кўпайди. 48 мингга яқин разрядли спортчи, шу жумладан, 193 биринчи разрядли спортчи, 57 спорт мастерлигига кандидат ва СССР спорт мастери тайёрланди.

Жисмоний тарбия ва физкультура ишларини ривожлантиришда Чилонзор ва Фрунзе районлари яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу жойлардаги ўрта мактабларда ўқиётган ўқувчиларнинг 80 процентдан зиёди физкультура ва спорт билан шуғулланмоқда.

«Саломатлик куни» спорт байрамлари муntазам ўтказиб турилибди. Чилонзор районидаги 181, 173, Куйбишев районидаги 71, 210, Акмал Икромов районидаги 193, Ҳамза районидаги 204, 244-мактабларда шундай байрамларни ўтказиш анъана бўлиб қолди.

Спортнинг 21 тури бўйича ўтказилган ўқувчиларнинг XXIV шаҳар спартакиадасида Куйбишев, Акмал Икромов ва Киров районларининг ўқувчилари юксак натижаларга эришишди. Айрим мактабларда ҳалигача жисмоний тарбия ишлари ҳозирги талаб даражасида ташкил қилинган эмас. Собир Раҳимов. Октябрь районларида шундай нуқсонлар мавжуд. Шаҳардаги мактабларда енгил атлетика, гимнастика, футбол сингари спортнинг бошқа турларини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаяпти.

Таълим, синфдан ташқари амалга оширилаётган ишларининг натижаси ГТО нормативини бажариш билан белгиланади. Барча битирувчилар ҳам норматив талабларини бажаришаётгани йўқ. Ленин районли ўқувчилари ГТО комплекс нормативларини бажариш бўйича жуда паст кўрсаткичга эгадирлар.

Шаҳар спорт комитети билан ҳамкорликда 33 мактабда узайтирилган соатли 68 ихтисослашган синф ташкил қилинди. Бу синфларда спортнинг 12 тури бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, «Спартак», «Буревестник» спорт жамиятлари махсус синфлар ишига етарли эътибор беришмаяпти.

Умумтаълим мактаблари асосан мутахассислар билан тўла таъминланган. Шаҳардаги мактабларда ҳаммаси бўлиб 586 физкультура ўқитувчиси меҳнат қиляпти. Моддий-техника базаларини яратишга ҳам доимий эътибор бериб келинмоқда. Фақат 1978 йилнинг ўзида 7 та спорт зали, 9 та оддий сузиш ҳавзаси, 36 мўлжалга отиш тири қурилди. Мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари олдида ўнинчи беш йиллик ва спорт билан шуғулланаётган ўқувчиларнинг сафини 2,5— 3 баравар кўпайтириш вазифаси қўйилган. Бу нарса бизни мактабдаги жисмоний тарбия фанини ўқитишга ижодий ёндошишга ундайди. Биз бу борадаги аниқ тадбирлар планини ишлаб чиқдик. Уларда асосий эътибор физкультура ва спорт ишларига халқ маорифи бўлимлари, «Ёш куч» спорт жамияти, умумтаълим ва спорт мактабларининг директорлари томонидан раҳбарлик қилишни янада кучайтириш назарда тутилган.

Факт ва рақамлар

1978 йилда Ўзбекистон пойтахтининг спортчилари Жаҳон, Европа ва Бутуниттифоқ чемпионатлари ва биринчиликларида 47 медель шу жумладан 12 олтин медални қўлга киритишди.

* * *

1978 йилда тошкентлик комсомол ва ёшлар турар жой массивларида спорт майдончалари қуриш ташаббуси билан чиқиб, 22 спорт маркази, 163 майдон барпо этишди. Бир неча оддий сузиш ҳавзаларини қуришни бошлаб юбордилар.

* * *

Ўқувчиларнинг XV Бутуниттифоқ спартакиадасида 243 ёш тошкентлик иштирок этди. Улар республика терма командаси тўпланган очколарнинг 69 процентини тўплашга муваффақ бўлишди. Бу Ўзбекистон терма командасига биринчи бўлиб умумкоманда ҳисобида учинчи ўринни қўлга киритишга имкон берди.

* * *

Ўнинчи беш йилликнинг уч йили давомида Тошкентда 32 спорт зали, 4 та суви иситилинган сузиш ҳавзаси, 43 та мўлжалга отиш тири қурилди. Ишга тушурилган иншоотлар орасида: «Меҳнат резервлари» спорт комплексининг биринчи навбати, тўқимачилик ва енгил саноат, театр ва рассомчилик ва кишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтларининг, гидромелиорация ва дорожка техникумлари, 110-мактабнинг спорт заллари, 160-мактабнинг сузиш ҳавзаси, «Текстильщик» стадионининг янги комплекси бор.

* * *

Ўтган уч йил мобайнида шаҳарда 38 СССР халқаро класслн спорт мастери, 589 СССР спорт мастери, 9 мингга яқин спорт мастерлигига кандидат ва биринчи разрядли спортчи тайёрланди.

* * *

Тошкентда 2400 дан зиёд штатли физкультура ходими меҳнат қилмоқда. 117 спорт ходими СССРда ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер унвонига эга.

3 Тошкент бет оқшоми
14 ФЕВРАЛЬ, 1979 й.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ШИФОКОР ҚАБУЛИДА

ШАМОЛЛАШДАН САҚЛАНИНГ

БУ ЙИЛГИ қиш мавсуми ҳар йилгидан бошқачароқ келди. Ҳарорат бир текис бўлмасдан совуқ кунлар кутилмаганда иссиқ кунлар билан алмашяпти ва аксинча. Бу эса ўз навбатида ҳаводаги атмосфера босимининг, ҳаво намлигининг ва шамол тезлигининг кучли ўзгаришига сабабчи бўлмоқда. Фаслнинг бундай бўлиши ўз навбатида шамоллаш ҳолатини ва ундан келиб чиқадиган касалликларнинг кўпайишига сабабчи бўляпти.

Маълумки, шамоллаш ҳолатларини чақирадиган микроблар соғлом одамларнинг ҳам юқори нафас йўлларида чраб туради. Лекин бу билан касаллик пайдо бўлмайди. Бу микробларнинг кучга кириб касал чақиришига иккки шароит сабаб бўлади. Аввало об-ҳавонинг ўзгариши шу микробларнинг кучайишига мос бўлиши, шу билан бир вақтда инсон организмидаги микробларга қарши курашиш ҳолатининг сусайиши сабабчи бўлади.

Киши танаси умумий куч-қувватининг сусайиши, яъни шамоллаш касалига мойиллик кўпинча ортиқ даражада чарчашлик, вақтида овқатланмаслик, камқонлик ва умуман дармонсизлик ҳолатларида юзага келади. Енгил кийиниш натижасида совуқ қотиш, оёқ-қўлларнинг музлаши, ёмғирда, захда қолиш, айниқса оёқдан зах ўтиши ҳам касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, шамоллаш деганда аввало юқори нафас йўлларининг яллиғланиш билан кечадиган кўпдан-кўп касалликларни тушуниладн. Буларга тумов, ўткир бронхит, зотилжам касалликлари ҳамда кишилардан кишиларга тез юқумли ҳисобланган грипп киради. Бундан ташқари бодом безларининг яллиғланиши билан кечадиган ангина, сурункали тонзиллит касалликлари ҳам шамоллашдан келиб чиқади.

Тумов (ринит) нафас йўлларининг яллиғланиши—катар ҳолати бўлиб, бу бурундан суюқликнинг кўп ажралиши, бурун битиши, бурун ичининг ачиши, бош оғриқлар билан ифодаланади. Умумий ҳолсизланиш, эт увишиш, аксириш ҳолатлари ҳам учрайди. Баъзан кўз шиллиқ қаватларида ачишиш, бош оғришнинг кучайиши юзага келади. Тумовда тана температураси нормада ёки бироз кўтарилган бўлади.

Бронхитда юқоридаги аломатларнинг ҳаммаси ёки айримлари учраб, унга яна томоқ қирилиши, овознинг ўзгариши, кўкракда оғриқ, йўтал, терлаш, умумий қувватнинг камайиши ҳолатлари қўшилади. Йўтал баъзан оғриқли, приступ шаклида бўлиб балғам ҳам ажралади. Тана ҳарорати нормада ёки бир оз кўтарилади. Оғир хилида иситма 38—39 даражагача кўтарилиб, бош оғриқ кучаяди. Касаллик ўз вақтида даволанмаса ўпканинг оғир ҳасталиги зотилжам—пневмония касалига айланиши мумкин.

Касаллик оғир кечса у ниҳоятда ҳолсизланади, лаблари ва бурун учлари кўкаради. Бундай беморлар, албатта, касалхоналарда даволанади. Шуни ҳам айтиш керакки, агар зотилжам вақтида етарли даволанмаса у даволаниши қийин бўлган сурункалик хилига айланиб кетиши, аъзо учун муҳим бўлган юрак ва буйракларда бирор асорат қолдириши, болаларда эса қулоқ ичини яллиғлатиб, ундан йиринг оқишига сабаб бўлиши мумкин.

Грипп касаллиги устида тўлароқ тўхталиш ўринлидир. У арзимагандек туюлса ҳам бепарволик натижасида ўз вақтида даволанмаса кишиларда ойлаб ва йиллаб давом этувчи хилма-хил асоратлар келтирувчи инжиқ ва жуда оғир касалликдир.

Грипп жуда тез тарқалувчи юқумли касаллик бўлиб, бутун бир шаҳар, мамлакат ва ҳатто дунё бўйича ёйилиши мумкин. У билан катталар қатори, ёш болалар ҳам тез касалланадилар. Касалликни тарқатувчи жуда майда микроблар — вируслар кўп турларга бўлиниб, улар бир-биридан оқсил моддасининг тузилиши билан фарқ қилади. Шуниси қизиқки, вирусларнинг турлари йилдан-йилга ўзгариб, кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида инсон организмида шу касалликка қарши куч-қувват — иммунитетнинг бўлмаслигига ёки ҳам бўлишига сабабчи бўлмоқда.

Касаллик бемордан асосан ҳаво орқали, улар билан гаплашганда, аксирганда эса тарқалган томчи — тупиги орқали, кўришганда, беморнинг идиш-товоқлари, овқати орқали соғ одамга юқади. Касаллик кўпинча тумов, шамоллаш белгилари билан бирданига бошланади. Бош оғриқ, кўзнинг ёшланиши, йўтал пайдо бўлади. Бурундан суюқлиқ оқиб овоз ўзгаради, эти увишиб, иситмаси кўтарилади ва дармонсизлик пайдо бўлади.

Касаллик юққан вақтдан бошлаб унинг авж олишигача бўлган давр — яширин давр дейилади, бу уч соатдан икки кунгача давом этади. Бу вақтда грипп вируси юқори нафас йўлларида кўпаяди ва ўзидан чиқарган заҳар билан организмни зарарлантиради. Айниқса, у мия, нерв, ички секреция безлари, ўпка, юрак ва қон томирларига шимилиб, уларнинг иш фаолиятини бузади. Бу касалликка дучор бўлганда ҳар қандай ишни тўхтатиб, касал ўзини оғир сезмаётганига қарамай, қунт билан даволаниши, врач кўрсатмаларига тўла риоя қилиши унинг бутунлай тузалиб кетиши учун муҳим шартлардан ҳисобланади. Грипп ўз вақтида етарли даволанмаса у қанчадан-қанча асоратлар қолдириши, кишининг иш қобилиятини узоқ вақт ва ҳатто бутун умр йўқолишига сабабчи бўлиши мумкин.

Умуман шамоллаш касалликларининг ҳамма турини даволаш учун врачлар ихтиёрида турли хил дори-дармонлар мавжуд. Касалларга аввало тинчлик туғдириб антибиотик, сулфаниламид препаратлари, бош оғрик, йўтал ва иситмага қарши дорилар буюрилади. Ҳозирги вақтда эуспиран, солутан препаратларини ингаляция ҳолида қабул қилиш, каметон ва ингалипт аэрозолларидан фойдаланиш касаллар учун яхши натижа бермоқда. Грипп ҳолларида ремантадин таблеткаси ичиш учун буюрилади.

Шамоллашдан сақланиш учун нималарни бажармоқ керак? Ҳар бир киши доимо ўзини чиниқтириш чораларини кўриши лозим. Бадан тарбия билан узлуксиз шуғулланиш, баданни аста-секин совуққа чидамлик қилиш, ётишдан олдин баданни ҳўл сочиқ билан артишни одат қилиш, қиш кунлари ортиқ даражада чарчатадиган иш қилмаслик зарур. Албатта, совуқ ичимликлар ичмаслик, совуқ мевалар емаслик, иссиқ хонадан бирдан совуқ ҳонага чиқмаслик керак. Ёш болаларнинг енгил-елпи кийинишдан сақлаш, айниқса оёқларини иссиқ тутиш муҳим аҳамиятга эга. Қиш ва баҳор кунлари ўз вақтида овқатланиш, овқат калориясини ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун юқори калорияга эга бўлган ёғлиқ, гўштлик овқатлар, қаймоқ, сут, тухум ва витаминга бой озиқ-овқатларни истеъмол қилиш зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи одамлар ҳеч қандай зарурият бўлмаган ҳолда ва жуда енгил касаллик ҳолатларида ўзларича турли хил дориларни қабул қилаверадилар. Бу жуда ёмон одатдир. Чунки дорилар ўринсиз, бетартиб қабул қилинса, ўз ўрнида ишлатилмаса аъзодаги микроблар шу дориларга ўрганиб қолади, натижада касалликни тузатиш қийин бўлади. Маълум бўлишича дориларни ноўрин узоқ муддат ишлатилиши киши қонида лейкоцитлар —ҳимоя армиясининг миқдорини камайтириб, аъзонинг касалликка мойиллигини орттирар экан.

Хулоса қилиб айтганда, шамоллашдан келадиган касалликлардан сақланиш кўп жиҳатдан ҳар бир кишининг ўзига боғлиқдир.

И. ФАТҲУЛЛАЕВ,
медицина фанлари доктори, профессор.

Болалар— кўз нуримиз, бахтимиз ва келажагимиз. Уларнинг сиҳат-саломатликлари учун ҳамма шароитлар яратилгач. Ленин районидаги 1-болалар поликлиникаси шифокорлари районда истиқомат қилувчи минг-минглаб болаларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишмоқда.

СУРАТДА: поликлиникачинг ишчан врачларидан бири Татьяна Михайлова беморни қабул этяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

КЎП ПРОФИЛЛИ КАСАЛХОНА ИШГА ТУШДИ

Берунийдаги кўп профилли район касалхонаси беморларни қабул қилди. Касалхона район Совети депутатлар группасининг актив кўмаги билан сайловчиларнинг наказн асосида қурилган.

Қорақалпоғистондаги яна олтита район марказида ана шундай касалхоналар қурилмоқда. Автоном республикада медицина хизмати кўрсатиш доимо ривожланиб бормоқда. Шу беш йиллик мобайнида саломатлик посбонлари сафига 500 нафар врач ва бир мингдан кўпроқ ўрта медицина ходими қўшилди.

(ЎзТАГ).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Мамлакатлар, одамлар, одатлар

Леонард КОСИЧЕВ

ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ ҚАБИЛА

— Ҳозир шу ишингни қилсанг қалай бўларкин?

— Нега энди?

— Крилда сира кино кўрганмисан?

— Ҳа.

— Жуда соз, биз сени ҳам худди шунақа кинога оламиз.

Луис эман дарахтидан қирқилган ғўла олдига борди. Бу унинг иш столи эди. Индеец қўлида кенг пичоқ ялтиллади. У шу пичоқ воситасида бир парча қаттиқ ёғочдан кийик бошини шу қадар осонлик билан қирқдики, назаримизда у буюмни ёғочдан эмас, мумдан ясаётгандай бўлди.

У ўзининг ҳунармандчилик маҳсулотлари — одам ва ҳайвонларнинг ҳайкалчаларини Криль бозорига олиб бориб, туристларга сотар экан. Мен ундан «Инс-жинслар ҳукмрони»нинг ҳайкалчасини сотиб олдим. Унинг бир қўли иккинчисидан калта, шалланг қулоқларининг бири орқасига қаратилган, бошқаси — олдинга.

— Луис, нега у шунчалик хунук? — сўрадим мен.

— Одамлар уни сира севмасин деб шундай қилинади.

— Сен бизга ўзинг ва оиланг тўғрисида тараумаралар тилида гапириб беролмайсанми? Буям кинога керак.

Луис бир зум ўйланиб қолди. Сўнг ризолик билдириб, бош ирғади. Унинг юзидан ҳеч қандай маъно уқиб бўлмасди. Мен магнитофонни юргизиб бегона тилда хириллаган овозни ёза бошладим. Хуан Виньегас таржима қилди: «Мен шу ғорда бундан ўттиз йил олдин туғилганман. Отам ҳам шу ерда бундан олтмиш йил муқаддам туғилган. Бу бизнинг оилавий ғоримиз...»

— Уни кўрсак бўладими?

Луис жавоб ўрнига қўли билан «юринглар» дегандек ишора қилиб, олдимизга тушди. Тош деворга ўрнатилган ёғоч эшикни очди. Ғор чиндан ҳам табиат маҳсули бўлиб у одам қўли билан улкан тошни ўйиб бунёд этилган турар жойга ўхшарди. Ғорнинг ичкарироғида яна битта тош деворга ҳам худди кираверишдагидек эман ёғочидан ясалган эшик ўрнатилган эди. Эшикдан иккинчи «хонага» ўтилади. Ерда гулхан ёқиладиган жой, унинг ёнида йўғон ғўлалардан қилинган пастак стол. Бир бурчакда маккажўхори ва ловия сақланадиган тўшаман. Кираверишга деярли вич қилиб қўй пўстаклари ташлаб қўйилган. Бу — ётар жой хизматини ўтарди. Қизиғи шундаки, ғор ҳавоси нам эмас, аксинча совуқроқ бўлса ҳам қуруқ эди.

Орадан икки соатлар ўтгач Луис билан хайрлашиб, машинамизга ўтирганимизда, ҳаммамиз бирдай тараумара билан иноклашиб олганимиздан беҳад хурсанд эдик. Аммо Хуан айёрона кулиб қўйди. Бунинг сабабини кейин тушундим.

ТЕСГУИНО ИЧИМЛИГИ ВА ИНДЕЙЧА МАРАФОН

Биз баланд қоялар оралиғида сув ҳалқоб бўлиб ётган ям-яшил жойда тўхтадик. Маккажўхори майдони олдидаги қийшайган бир кулба олдида бир тўда эркак, аёл, ёшлар тўпланиб туришарди. Улардан аксариятининг устида магазиндан сотиб олинган оддий энгил. Тўрт киши анъанавий эркаклар

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида).

либосида. Уларнинг устида кенг бичимли туник, шим ўрнида эса пастгача тушиб турадиган кенг оқ белбанд. Тараумаралар оқ матони хуш кўришади. Фақат бир эркакгина худди шундай бичимда гулдор белбанд тутган эди. Худди шунақасини мен Себастьяннинг устида кўрган эдим. Юз бичими кенг, энгаҳи туртиб чиққан бу одамнинг ўзини тутиши унинг шу ерлик бошлиқлардан эканлигини кўрсатиб турарди.

— Сизлар руҳонийсизлар, тўғрими? — дея сўради у одатдаги салом-аликдан сўнг.

— Йўқ, биз чет эллик журналистлармиз.

— Ким, ким? — Таажжубланди у.

Хуан қанчалик тушунтирмасин, у журналист деган сўзнинг маъносини барибир охиригача тушуниб етмади. Қўлимиздаги кино аппаратларига қараб бизни руҳоний деб ўйлаган. Ҳамма гап шундаки, тараумаралар ҳузурига камдан-кам келадиганларнинг асосий қисми одатда католикларнинг вакиллари бўлади. Улар тараумараларнинг ибодатларини баъзан магнитофонга ёзиб олишган.

Оқсоқол юртдошларига гоҳ маккажўхори сийрак қатор ораларига, гоҳ таг-томири билан юлиб ташланган бегона ўтларга ишора этиб, улардан иш қабул қилиб олаётгандек суҳбатлаша бошлади. Сўнгра бизни ҳам тушунишсин деб испанча гапирди:

— Қаранглар, тошқин вақтида инс-жинслар ҳукмрони маккажўхоримизга қанча бегона ўт юборибди-я! Биз экинни тозалаб бўлдик. Энди бунинг шаънига тесгуино ичсак ҳам бўлади.

Тараумаралар бир зумда кўксарғиш қуюқ ичимлик солинган пақир атрофини ўраб олишди. Маккажўхоридан қилинадиган бу ичимлик сопол идишларда тайёрланади. Ҳозир йиғилгандар эркаксиз қолган оилага қарашиш учун келган шу оила аъзоларининг қариндош-уруғлари, дўстлари, таниш-билишлари эди. Тараумараларда касалмандларга, қўл кучи етмайдиган заифларга кўплашиб кўмаклашиш одати бор. Бу қадимдан сақланиб қолинган. Бундай коллектив меҳнатдан сўнг тесгуино ичишади.

Чўмич давра бўйлаб айлана бошлади. Оқсоқол қора кўзларини бизга тикиб, деярли амирона оҳангда:

— Тотиб кўринглар! — деди.

Индеецлар нима жавоб буларкин деб нафасларини ичларига ютиб, бизга қараб қолишди. Улар бизга тесгуино ичадими, йўқми деб ҳайрат ичида тикилишарди. Мен нафасимни ичимга ютиб, чўмични лабимга қўйдим. Бир қултум ичдим. Рангига қараганда унчалик кўнгил тортмайдиган бу ичимликнинг таъми нимасидир қимизни эслатарди. Шошилиб яна бир қултум ютдим. Жимликни атрофимдагиларнинг маъқуллаш оҳангидаги овозлари бузди.

— Ёқдими? — дея яна испан тилида сўради оқсоқол.

— Яхши ичимлик, эҳтиётлик билан жавоб бердим мен.

Менинг мақтовимдан хурсанд бўлган индеецлар ўзларини тўхтатолмай хахолаб кулишди. Кино учун овозли суратга олишнинг энг қулай фурсати етган эди. Операторимиз Леонид Придорогин кинокамерани қўлига олди. Мен эса магнитофонни юргизиб, атрофимдагиларга испанча саволлар бериб, тараумаралар тилида жавоб беришни сўрадим. Аммо минг афсус ҳеч ким она тилида жавоб беришни истамасди. Демак, Хуан биринчи тараумара билан ишимиз юришгани учун кулган экан. Аслида эса уларнинг чинакам дунёсини очиш унчалик жўн иш эмас экан.

Тараумаралар ўзларини бундай тутганликларининг сабабини мен кейинчалик тушундим. Улар испан истилочиларига бўйин эгмаслик учун ўзаро жипсликларини, асрлар давомида таркиб топган урф-одатларини сақлаш мақсадида қаршилик кўрсатмоқда эканлар. Гарчанд тараумараларда оқ танлилардан қўрқиш ҳисси анча йўқолган бўлсада, барибир тоғлар бағридаги бу гоят мағрур, эркпарвар халқ ота-боболарининг: «Тил худонинг эҳсони. Уни сотиб ёки бошқа ирқдаги одамларга бериб бўлмайди», — деган нақлига амал қиларди. Бунинг устига тараумараларнинг қадимий эътиқодларига кўра бошқа халқларни «инс-жинслар ҳукмрони» — шайтон яратган, ўзларини эса худо.

Хуан Виньегаснинг ҳикоя қилишича, халқда шундай ривоят бор экан: Худо осмондан тушганда, унинг ердаги қароргоҳида сопол идишларда жуда кўп тесгуино ичимлиги турган экан. «Инс-жинслар ҳукмрони»да эса фақат бир кўзагина тесгуино бор экан, уям олий нав эмас.

Биз маккажўхори бўзасининг сифати қанақалигини аниқлай олмасдик, албатта. Ундан ортиқча лаззатланганимиз ҳам йўқ. Аммо индеецларни хафа қилмаслик учун оқсоқолнинг: «Ёқдими?» деган саволига: гарчанд аёллар жуда шошилиб қолиб, бу тесгуинони кўнгилдагидек тайёрламаганликларини айтиб туришган бўлишса ҳам, биз «Ҳа». — деб жавоб бердик.

Тесгуино диний маросимлар учун жуда зарур экан. Негаки, узоқ ёмғир бўлмаганда маккажўхорининг ҳали ниҳолгина поялари иссиққа дош беролмай, қурий бошлаганда ёки тинмай сел-ёмғир ёнбағирлардаги экинларни ювиб кетганда, тараумаралар тесгуино ичиб, худога илтижо билан мурожаат қилганларида, худонинг кўнгли юмшаб, уларнинг илтижоларини инобатга оларкан.

Тесгуинонинг бу қадар муқаддас саналишининг боиси шундаки, маккажўхори тараумара индеецларининг асосий озуқаси. Шунинг учун тараумаралар далаларда маккажўхори пояларини меҳр билан парваришлаб, бир текис қилиб қўярдилар. Ловияни эса улар кичикроқ майдонларга экадилар. Бу тошлоқ ерларни ишлаш қанчалик куч ва меҳнат талаб этишини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Тараумаралар эса қишлоқ хўжалик ишларидаги барча ютуқларни худонинг номи билан боғлардилар.

— Тоғларда парранда, айниқса кийиклар тобора камайиб боряпти, — дейди Хуан Виньегас. — Шунинг учун индеецлар кўпинча қўй ёки эчки сақлайдилар. Аммо жонворларни улар фақат байрамлардагина сўядилар. Аммо тараумаралар бутунисича ерга қарам, деҳқончиликкагина қараб қолганлар. Борди-ю, оилада ҳўкиз бўлса—бу жуда катта, бебаҳо бойлик ҳисобланади. Мотигага* нисбатан бу — трактордай гап. Тараумаралар қишки озуқасига етмаса ҳам барибир ҳар оила жилла бўлмаса икки кўза тесгуино тайёрлайди. У энг зарур маросимлар: тўй, фарзанд туғилиши, дафн маросими, ҳашардан кейин, тоғда уй алмаштирганда, байрамларда ёки бирор иш муваффақиятли якунланганда ичилади. «Энг кучли оёқ» мусобақалари ўтказиш олдидангина, гарчанд атроф-теваракдан деярли ҳамма йиғилса-да, тесгуино ичилмайди. Чунки чопиш мусобақасининг иштирокчилари бир қултум ҳам ичмасликлари керак.

* Мотига — кетмонга ўхшаган деҳқончилик асбоби.

(Давоми бор).

РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 14/II да **Афсоналар водийсида**, 15/II да **Травиата**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 14/II да **Парвона**, 15/II да **Ганг дарёсининг қизи**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/II да **Ужарлар**, 15/II да **Йиллар ўтиб**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —14/II да **Кўзингни каттароқ оч** (16.00), 15/II да **Бадбашара ёхуд Эзоп** (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— «Тўрт куёв» эстрада-цирк лўлилар ревюсининг гастроллари (19.30).

КИНО

14 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҚИЗИЛ НОН» — Восток.

«СИРЛИ ЕТТИЛИК», «ҲАММА ИШНИ КАДРЛАР БАЖАРАДИ» — С. Раҳимов номли.

«КОР МЎЪЖИЗАСИ»— Навоий номли.

«МУСТАҚИЛ РАВИШДА, БИТТА-ВИТТАДАН» — Ўзбекистон 25 йиллиги номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОМАДИ КЕЛГАН КИШИ» — К. Ерматов номли.

«ҚАЛЪА»— Искра.

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — Нукус, Пионер, Фестиваль, Москва, Дружба, Лисунов номли, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги, Мир, Восток, Ҳамза номли, Янгиобод, Ғ. Ғулом номли, Ғунча, С. Раҳимов номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Навоий номли, Ўзбекистон 25 йиллиги номли, Чайка, Кўкча.

ТУРК ФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

«ХОТИНБОЗЛАР ҚИРОЛИ» — Чайка, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.

«ДАРЁ» — Нукус.

«КЕЛИНЧАК» — Санъат саройи.

«ҚИЗИЛ ДУРРАЧА» — Восток.

15 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«СИБИРЬ НЕФТИ» — Фестиваль.

«УМРНИ УЗАЙТИРИШ ИНСТИТУТИ» — Восток.

«ШОПЕН, СОНАТА НОМЕР ИККИ», ДУШАНБА — ОДДИЙ КУН» — Янгиобод.

«СИРЛИ ЕТТИЛИК», «ҲАММА ИШНИ КАДРЛАР БАЖАРАДИ» — С. Раҳимов номли.

«ҒАЛАТИ ҚЎШНИЛАР» — Навоий номли.

«МУСТАҚИЛ РАВИШДА, БИТТА-ВИТТАДАН» — Ўзбекистон 25 йиллиги номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЧАЁН» — Чайка.

«ОМАДИ КЕЛГАН КИШИ» — Ҳамза номли.

«МЕНИНГ ЕҚИМТОЙ ЭРКАТОЙИМ»— Искра.

«ПЯТНИЦКИЙ КЎЧАСИДАГИ ҚОВОҚХОНА» — Восток.

ТУРК ФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

«ХОТИНБОЗЛАР ҚИРОЛИ» — Санъат саройи.

«ДАРЁ»— Дружба.

«КЕЛИНЧАК»—Москва, ВЛКСМ 30 йиллиги.

«ҚИЗИЛ ДУРРАЧА» — Қозоғистон.

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — Нукус, Пионер, Фестиваль, Москва, Дружба, Лисунов номли, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги, Мир, Восток, Ҳамза номли, Янгиобод, Ғ. Ғулом номли, Ғунча, С. Раҳимов номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Навоий номли, Ўзбекистон 25 йиллиги номли, Чайка, Кўкча.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг Тошкент метрополитени ва темир йўл бошқармаси базасидаги

170-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1979—80 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди.

Тошкент метрополитенида хизмат кўрсатиш учун: машинист ёрдамчилари (ўрта маълумотли), **станция бўйича навбатчилар** (8—10-синф ҳажмида маълумотли), **электр поездларининг электр ускуналарини ремонт қилувчи электрослесарлар, слесарь-сантехниклар, эскалатор-машинистлари** (8-синф ҳажмида маълумотли).

Темир йўл бошқармасида ишлаш учун: машинист ёрдамчилари, электр ускуналари ремонти бўйича электрослесарлар, электромонтёрлар, ҳаракатдаги состав ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар (8—10-синф ҳажмида маълумотли).

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

8-синф ҳажмида маълумоти бор ўқувчилар ихтисос билан бирга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат оладилар ва давлат таъминотида бўладилар: уларга кийим-бош, уч маҳал овқат берилади.

10-синф ҳажмида маълумотлиларга эса 30 сўм миқдорида стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчилар моддий рағбатлантириб борилади.

Ўқишни тугатгач ҳамма ўқувчилар иш билан таъминланади ва улар темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишни аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига ўқиш учун юбориладилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, таржимаи ҳоли, маълумот тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (асли), медицина картаси (АКУ формаси). (МПС томонидан тасдиқланган), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см катталикдаги 6 дона фотосурат, шахсий варақа (Т-2).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй (7, 9, 11, 14, 24-трамвайлар, 13, 15, 16-троллейбуслар, 18, 54-автобусларнинг «Киров боғи» бекати). Телефон 53-43-52.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

14 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.35 «Горнчилар, каердасиз!». 18.10 «Ёшлар адреслари». 19.00 «Болаларга аталган шеърлар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». СССР Олий Совети депутатлигига номзод, самолётлар Бош конструктори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, УССР Фанлар академиясининг академиги О. К. Антонов ҳақида очерк. 20.00 «Бизнинг мангу революциямиз». А. Пахмутова ва Н. Лученок қўшиқлари. 20.20 «Майор Бўрон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Жиддий музикада қувноқлик ҳақида». 23.00 «Алабий ўқиш». В. Короленко. «Уйноқи дарё». 23.40 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Лайлаклар». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Умаров билан учрашуви. 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «4 март — СССР Олий Советига сайловлар куни». «Дилбар Қулматованинг бахти». СССР Олий Совети депутатлигига номзод ҳақида телеочерк. 19.15 Телевизион театр. Ж. Г. Байрон. «Манфред». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Саян старлари» Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 «Ораста қийинайлик». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 «8+1» эстрада программаси. 23.10 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Бир қўшиқ ҳақида». 20.30 «Тошкент» телепрограммаси. 21.00 Тошкент янгиликлари.

15 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.15 Ижрочи ёшлар концерти. 10.45 «Майор Бўрон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.55 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Литва киностудияси ҳужжатли программаси. 16.10 «Социалистик демократия». Кўрсатувни авторлар коллективи тайёрлаган. «Жамиятшунослик» дарслигининг раҳбари Г. Х. Шаҳназаров олиб боради. 16.40 Дзю-до бўйича халқаро мусобақалар. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 17.10 «Мунозара — клуб».

18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Коллектив ва шахс». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Алкоголизм. Врач суҳбатлари». Кўрсатувда алкоголизмга қарши курашувчи Халқаро ассоциациясининг вице-президенти Э. А. Бабаян иштирок этади. 20.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Фомина П. И. Чайковский романсларини ижро этади. 20.20 «Майор Бўрон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 Халқаро олимпия спортлотоси. 3-чиқарилиши. Будапештдан олиб кўрсатилади. 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ўрта Осиё қушларининг хилма-хиллиги». Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 Болалар учун. «Фонарик». 12.30 «Ўрта Осиё қушларининг хилма-хиллиги». Зоологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 Биринчи лига эркаклар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тошкент) — «Спартак» (Тбилиси). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 13.30 «Театр ва замон».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Петя лақабли қуён дўстлари билан хайрлашди». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол зарбдор қурилишларида». Сирдарё ГРЭСи. 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Одамлар заминда ғалла ўстирдилар, замин одамларни камол топтирди». Филология фанлари доктори М. Қўшчонов сўзи. 19.20 «Дебют». Телевизион бадиий фильм (рус.). 19.50 «Ёзувчи ва замон». Ў. Ҳошимов. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Опера саҳнаси усталари». «Ўзбекистон ССР халқ артисти Г. Ҳаведанян. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Чорвадор» программаси. 23.35 «Қизжибек». Бадиий фильм. 1-серия. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.55 А. Грибоедов. «Ақллилик балоси». Телевизион фильм-спектакль. 1-қисм. 21.00 Тошкент янгиликлари.

Тошкент Политехника институти томонидан **Османов Абдувойит** номига берилган 389956 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Фрунзе район соғлиқни сақлаш бўлими, район медицина ходимларининг касаба союз комитети ва район медицина ходимларининг коллективи 23-поликлиника бош врачи

Усмон Жамолович ЖАМОЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлими, маориф ходимларининг район касаба союз комитети ва 28-мактаб ўқитувчилар коллективи шу мактабнинг собиқ ўқитувчиси

Суннат ХОЛДОРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

«Таштекстильшвейторг» коллективи 65-магазин директори А. Ирисматовга онаси

Риҳсихон ЧИНБАТАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-54-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81, ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33.81-42. нашриёт диспетчери 32-78-94 нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р — 07080 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Е — 1237.